O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 12 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 3 (7406)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 25 декабрдаги Фармонига 1-илова

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

1. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга, давлатнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама оширишга ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, мамлакатнинг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва заҳирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёхуд яраланган ва шикастланган ҳарбий хизматчилар тақдирланадилар.

2. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари асосида амалга оширилади.

3. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони

(Давоми 2-бетда)

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз дўстлар!

Авваламбор, сиз оддий аскар ва сержантларни, офицер ва генералларни, хизматчилар ва уруш фахрийларини, барчангизни шонли байрам — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўн йил миллий давлатчиликни тиклаш, унинг асосий идораларини шакллантириш учун тарихан жуда қисқа муддатдир. Лекин ана шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда, бир томондан, асрлар давомида яшаб келган кўҳна анъаналаримизга, аждодларимизнинг орзу-умидларига мос, иккинчи томондан эса, бугунги куннинг энг юксак талабларига, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги энг замонавий мезонларга мувофиқ бўлган давлатчиликнинг демократик асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг миқёсдаги улкан ишлар амалга оширилди.

Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Қуролли Кучларимизни ташкил этиш масаласи мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиб турган турли хатарларни, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасидаги амалда мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жанговар операцияларнинг йўналиши ва характерини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган бош вазифа — сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга ва зарба беришга қодир бўлган тезкор, ҳар томонлама ўзига суянган ва таъминланган қисмлар яратишдан иборатдир.

Қуролли Кучларимизни, жумладан, Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини замонавий талаблар асосида янгитдан қуриш ва модернизация қилиш борасида аниқ мақсадларни кўзлаб қатъият ва изчиллик билан бугун олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз айнан шу муддаоларга эришиш учун қаратилган.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари — сержантлик мактаблари ташкил қилиш, Қуролли Кучларнинг янгича таркибини ташкил этиш, махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальонлари тузиш, компьютер ва за-

(Давоми 2-бетда)

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ — ВАТАННИ!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 10 йиллигига бағишланган қўш саҳифа материаллари билан

8-9 БЕТЛАРДА ТАНИШИНГ

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ
у ҳаётда ўз ўрнини топаяптими?
4-БЕТ

«Mehmonxona» мизда
Мультфильм яратувчиси — Светлана Муродхўжаева
5-БЕТ

ТЕЛЕДАСТУРЛАР
ЎзTV I, «Ёшлар телеканали», ЎзTV III «Тошкент телеканали», ЎзTV IV «Халқаро» телеканал
14-БЕТ

СОВРИНЛИ СУПЕРКРОССВОРД ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ
16-БЕТ

Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркобизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

монавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёдаги етакчи армиялар ҳамда қуролли кучларнинг қурилиши ва таркибий тузилишини, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг замонавий усулларини, ҳарбий фан ютуқларини ва шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган биргаликдаги ўқув машқлари ва ҳамкорлиги жараёнида орттирилган тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси, аввало, ягона мақсадга қаратилган: бизнинг армиямиз ҳозирги мураккаб шароитда Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилибгина қолмай, айни пайтда у ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, ҳар бир ҳарбий хизматчи қалбида — у офицер, сержант ёки оддий аскар бўладими — бундан қатъи назар, мустаҳкам ирода, юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, амалий касб кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний тобланиш мактаби бўлсин.

Энг муҳими, бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қиладиган ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан учун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхўрлик кўрсатилишини доимо сезиб туриши, ҳар бир қадамида ҳис этиб туриши даркор. Бугунги кунда бу энг қуйи бўғиндан тортиб, энг юқори ҳокимият идораларигача — барча давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси, керак бўлса, муқаддас бурчидир.

Биз Қуролли Кучларимизда ана шундай шарт-шароитларни ярата олсаккина, унинг сафларида хизмат қилиш мақсадида ҳаётга катта умидлар билан қадам қўяётган ёшлар учун шон-шараф ишига айланади.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркобизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фожиалари ва Афғонистонда аксилтеррористик ҳаракатлар олиб борилиши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегараларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий харитасида кучларнинг янгича тақсимланиши рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси давлатимиздан, жамиятимиздан, Қуролли Кучларимиздан ҳушёрликни янада оширишни, армиямизнинг жанговарлик қудратини ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этади. У ҳар қандай вазиятда ҳар қандай агрессорга — қандай шакл ва қиёфада бош кўтармасин — муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи зарур.

Бугун бирон-бир куч бизнинг мустақиллигимизга, хавфсизлигимизга, халқимизнинг тинчлигига тажовуз қилмоқчи бўлса, шуни билиб қўйсинки, қудратли армиямизнинг қақшатқич зарбасига учраши муқаррар.

Бунинг ягона кафолати — армиямизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, уни тубдан модернизация қилиш, энг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлашдан иборатдир. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилиши даркор, яъни Қуролли Кучларимиз замон уларнинг олдига қўяётган ҳар қандай вазифани бажаришга муносиб бўлсин.

Азиз мард ўғлонларим!

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен сизларга — барча ҳарбий хизматчиларга, аскарларимиз, офицер ва генералларимизга мурожаат қилмоқчиман. Барчангиз меҳрибон ота-оналарингиз, опа-сингилларингиз, ака-укаларингизнинг сизга билдирган буюк ишончи, улуғ аждодларимиз хотирасига, биз яшаётган даврга муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари куни билан, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг ўн йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан бригада командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шакл-даги гувоҳнома берилади.

4. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

5. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони шахснинг вафотидан кейин унинг оиласида тегишли гувоҳнома билан бирга эсдалик сифатида сақлаш учун қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 25 декабрдаги Фармонига 2-илова

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони ТАВСИФИ

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида саккиз қиррали юлдуз фонида кесишаётган қиличлар билан қалқон акс эттирилган. Қалқонда ярим ой ва юлдузча тасвирланган. Қалқоннинг қуйи қисмида ҳилпираб турган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини ва юбилей санасини билдирувчи 1992-2002 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг доираси бўйлаб «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» ёзуви мавжуд.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қаварикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари ҳошияланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли ҳаво ранг шойи муҳайяр тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўллар билан ҳошияланган. Тасманинг ўртасидан бир-биридан эни 2 миллиметрли сариқ йўл билан ажралиб турадиган эни 3 миллиметрли иккита яшил рангли йўллар ўтган.

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Игорь Ивановни қабул қилди ва суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг бориши, икки мамлакат ўртасида ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

СЕМИНАР

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилоят ПХҚТМОИ билан ҳамкорликда "Ёшлар онгида қарияларни эъзозлаш ҳиссини шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказди.

ЙИҒИЛИШ

Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг навбатдаги йиғилишида "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Жисмоний ва маънавий комилликка эришишнинг муҳим омили бўлган спорт бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги устувор йўналишга айланди. Жисмоний тарбия ва спорт ёшликданоқ соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

БАРЧАДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТГАН МУСОБАҚАЛАР

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиш тизимининг яратилиши ва унинг 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб жорий қилиниши ўқувчилар ва ота-оналар орасида олиб борилаётган жисмоний тарбия ва спорт ишларининг амалийлиги ва таъсирчанлиги туфайли ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда. Пойтахтда ушбу мусобақаларни ташкил қилиш, унда жамоатчилик, идора ва ташкилотларнинг, ота-оналарнинг фаол қатнашишларини таъминлаш борасида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилиниб, тааллуқли ташкилотларнинг вазифалари аниқланди.

Халқ таълими бош бошқармаси ва туманларда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари тадбирларига тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, амалга ошириладиган ишларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилди. Ишчи гуруҳлар томонидан тузилган режалар умумтаълим мактабларининг спорт негизини мустаҳкамлаш, шаҳар ва туманларда мавжуд бўлган спорт иншоотларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, спорт фахрийларининг ушбу мусобақаларда ҳакамлар ва мураббийлар сифатида жалб қилиниши алоҳида эътиборга лойиқдир. Мусобақаларни ўтказиш учун календарь дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

(Давоми 15-бетда)

61. Олий Мажлис йиғилишларида қуйидагилардан қайси бири раислик қила олади?
A) Президент девони ходими
B) Олий Мажлис Раиси
C) Олий Мажлис Кенгаши котиби
D) A,C
E) Тўғри жавоб берилмаган

62. Республика бошқарув органларининг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш ва бекор қилиш кимнинг ваколатига киради?
A) Олий Мажлиснинг
B) Президентнинг
C) Бош вазирнинг
D) Вазирнинг
E) Ҳокимнинг

63.Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ваколатини аниқланг.
A) Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини бериш
B) давлат стратегик дастурларини қабул қилиш ва олий ҳарбий унвонларни бериш
C) давлат унвонларини таъсис этиш ва солиқлар жорий этиш
D) Бош прокурорни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисида фармон чиқариш
E) A,B,C,D

64. Қуйида берилган изоҳлардан қайси бири Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятига зид?
A) Конституция — давлатнинг асосий қонуни
B) Конституция — Президент ҳокимиятининг ҳужжати
C) Конституция — олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат
D) Конституция — барча ҳуқуқ соҳалари учун юридик асос
E) Тўғри жавоб берилмаган

Сиз Конституцияни биласизми?

Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, "Маърифат" газетаси таҳририяти танлови

65. Конституцияга кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини қандай шаклдаги мулк ташкил этади?
A) хусусий мулк
B) ширкат мулки
C) давлат мулки
D) оммавий ва хусусий мулк
E) хилма-хил шаклдаги мулк

66. Ким Ўзбекистон халқи номидан иш юритишга ҳақли эмас?
A) сиёсий партиялар
B) жамоат бирлашмалари
C) оммавий ҳаракатлар
D) Президент
E) A,B,C

67. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи кимга тегишли?
A) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига
B) Олий Мажлисга
C) Олий Мажлис Кенгашига
D) Молия вазирлигига
E) B,D

68. Қуйидагилардан мурожаатларни аниқланг?
A) таклиф, ариза, билдирги
B) ариза, тушунтириш хати, шикоят
C) шикоят, ариза, таклиф
D) тушунтириш хати, шикоят, ариза, билдирги
E) Ҳамма жавоблар тўғри

69. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва вазифаларини белгиланг.
A) Қонунлар ижросини таъминлайдиган марказий органи
B) Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг марказий органи бўлиб, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбур бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради
C) Халқлар ўртасидаги тинчликни сақлаш бўйича фармойишлар ва қонунлар чиқаради
D) давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши тўғрисидаги қонунлар, фармойишлар чиқарувчи марказий ҳокимият органи
E) давлатнинг халқаро ташкилотлар олдида ҳисоб берувчи сиёсий ташкилот органи

70. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизими қандай принципларга асосланган?
A) давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципларига
B) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, президентлик принципларига
C) қонунийлик, мустақиллик, тенглик принципларига
D) демократик-марказиятчилик, ошкоралик, эркинлик принципларига
E) A,C

ҲОМИЙЛИК МУНТАЗАМ БЎЛСА

Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармаси саъй-ҳаракати билан барча таълим муассасаларига ҳомийлар бириктирилди.

Хўш, авваллари бу борада кўмак берувчилар йўқмиди, деган савол туғилиши табиий. Илгари ҳам ҳомийлар ёрдами билан мақтаса арзигулик ишлар амалга оширилган. Бироқ у ишлар мунтазам мувофиқлаштирилмаган эди.

Қолаверса, бугун замонамиз равнақи ҳар бир соҳада изланишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан халқ таълимига сармоядан ташқари маблағлар ишлаб топиш, ҳомийлар кўмагидан фойдаланиш давр талабига айланди.

Бу борада вилоятнинг Хўжаобод, Шаҳрихон ва Булоқбоши туманларида ҳомийлар билан ҳамкорлик борасида катта тажрибалар тўпланган.

2001 йилда вилоятда қурилган мактабларнинг 3 таси бевосита ҳомийлар кўмаги билан бунёд этилди. Шунингдек, билим масканларида собиқ ўқувчилар билан учрашувлар ўтказиб турилибди. Бундан мақсад ўша ўқувчилар, раҳбарлик лавозимларида ишлаётганларни мактаб ва бошқа таълим муассасаларига ёрдамларини уюштиришдир.

Ҳозиргача Марҳамат, Олтинкўл, Бўз, Булоқбоши, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Избоскан туманларида кўплаб ана шундай учрашувлар ўтказилди. Ўйлаймизки, бу хайрли ишлар, албатта, ўз самарасини беради.

О.СИДДИҚОВ

КОМИЛ ИНСОН ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Қишки таътил кунлари барча фанлар бўйича фан олимпиадаларининг шаҳар(вилоят) босқичи ўтказилди. Олимпиада иштирокчиларининг билими 2 турда синалиб, тест ва ижодий ишлар орқали умумий баллар аниқланди.

1-Тошкент педагогика билим юртида "Ёш адабиётчилар" шаҳар олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчилари билан бир қаторда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳам қатнашди. Устозлар ҳам икки кун давомида ҳаяжон билан ўқувчилар билими натижасини кутдилар.

Зеро, ўқувчилари қўлга киритган ютуқлар улар меҳнатининг кўзгусидир, олимпиада эса — билимлар синови.



БИЛИМЛАР СИНОВИДА

Олимпиада иштирокчилари тест топшириқларини компьютерда бажардилар, 11-синфлар учун 40 та савол берилиб, ҳар бир тест жавобини белгилаш учун 3 дақиқа, 9—10-синфлар учун 2 дақиқа вақт ажратилди. Иккинчи куни 2-тур, яъни "Огоҳлик — давр талаби", "Тил — миллат кўзгуси", "Ғазал сеҳри", "Комил инсон қандай бўлиши керак?" каби мавзулардаги ижодий ишлар ёздирилди. Бунга бир соат вақт ажратилиб, ёзма ишлар қатнашчилар олдида рақамланди ва ўша куниёқ текширилди ҳамда натижаси эълон қилинди.

Республика нафис санъат лицейининг 9-синф ўқувчиси Нафиса Ёқубова ижодий ишини ўқиб, Ватан тимсолини гулзордаги гуллар сараси, осмондаги юлдузлар зуҳроси, башарият қалбидан жой олган гўшада кўришидан таъсирландик. Нафиса шундай ёзади: — Ватан бир осмон бўлса, уни юракдан севувчи фарзандлари мангу сўнмас, барҳаёт юлдузлар-ку! Ватаним, мен сени юрак аталмиш салтанатимнинг муҳаббат қасрига жойладим, чунки Ватан юракдан-да ичкарида бўлади. Бир гулни кўрдим, бемеҳр тошни ёриб, нафис вужуди билан оғир қулликни енгиб, юзини осмонга, қуёшга қаратиб келажак учун талпиниб чиқди. Шу гул сен эмассанму, Ватаним? Сенинг гўдакликда ётган бешигинг адолатдан, ҳарир пардалари иймондан, унга илинган туморлар эса келажакнинг нурли "Бахт" қуёшидан бунёдга келган.

А.Икромов туманидаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Феруза Султонова устозлар ҳақида самимий фикрлар билдириб, уларни ота-оналарга қиёслагани эътиборлидир.

Республика ижтимоий фанлар махсус гимназияси 11-"А" синф ўқувчиси, 2-ўрин соҳибаси Камола Атаулло эса огоҳ бўлган инсон ҳеч қачон панд емаслигини, мудҳиш, кўнгилсиз воқеалар бўлмаслиги учун огоҳликни қўлдан бермасликни таъкидлайди: «— Шу ўн йиллик тарихимизга қора доғ бўлиб тушган воқеалар ҳам содир бўлди. Булар жумласига 16 февраль

Olimpiada — 2002

воқеалари, Сариосиё ва Узун туманларида бўлиб ўтган террорчилик хуружларини киритишимиз мумкин. Динни ниқоб қилиб олган бу ғаламислар ёшларни ҳам йўлдан оздирмоқчи бўлишди. Шу вақтда Юртбошимиз ҳаммани огоҳликка даъват этдилар. Огоҳлик — муқаддас бурчдир. Буни унутмаслигимиз даркор».

Учинчи ўрин соҳиби, ЖИДУ қошидаги академик лицейининг 11-синф ўқувчиси Шавкат Норматов она тили ҳақида фахр ила қалам тебратган. У ўз ижодий ишини шундай тугатган: "Эй ўзбек миллати! Сен нақадар бахтлисан, жонга ҳузур бахш этгувчи гўзал, равон тилинг бор!"

Барча иштирокчилар ҳам ўз ижодий ишларида эркин фикрлай олганлари, Ватанга, тилга бўлган муҳаббатларини шеърий мисраларда ифодалай олганларидан қувондик. Фақат айрим иштирокчиларнинг тест топшириқларидан юқори балл тўплаганлари ҳолда ижодий ишни талаб даражасида ёза олмаганларидан ажабландик ва шундай хулосага келдикки, ўқувчи фақат тестга тайёрланиб, мустақил мутолаа, имло қоидаларини ўрганишни унутмаслиги керак.

ОЛИМПИАДАДАН СЎНГ

Биз олимпиада қандай ўтгани, тест топшириқлари ҳақида иштирокчилар билан суҳбатлашдик. Шарқшунослик лицейи 3-босқич талабаси Азамат Акбаров олимпиада босқичларини кўпайтириш лозим, китобхонлик, шеърхонлик каби сифатлар ҳам бўлса яхши бўларди, деган фикрни билдирди.

Дилмурод Холбеков эса иқтисодиёт, алоқа йўналишидаги лицей талабалари адабиёт олимпиадасида қатнашмасликлари кераклигини, акс ҳолда улар ғолиб бўлса бир ўрин банд бўлиб, кимдир эгаллаши мумкин бўлган жой эгасиз қолишини, негаки аниқ фанлар лицейи талабалари филология ёки журналистикага ўқишга кирмасликларини таъкидлади.

Ҳилола Сайфуллаева академик лицейлар учун дарсликлар, қўлланмалар йўқлигидан нолиса, Нурилло Саидхўжаев ўқувчининг ўзи ҳаракат қилиши, кутубхоналарга бориши кераклигини таъкидлади.

Айримлар академик лицей талабалари ҳам туман босқичида қатнашиб, сўнг шаҳар босқичига келишини лозим десалар, айримлар ахир академик лицейларга имтиҳондан ўтиб кирилади-ку, унда мактабдан лицейнинг фарқи қолмайди, лицей талабалари тўғридан-тўғри шаҳар босқичига келиши тўғри, деб фикр билдирдилар.

Биз бир фикрга қўшиламиз, ҳақиқатан ҳам адабиётчилар олимпиадасида қатнашчиларнинг эътирозлари тингланиши керак. Ижодий иш ёзма саводхонликни кўрсатади, тест эса билимдонликни. Назаримизда иштирокчи нутқи, талаффузи, ифодали ўқий олиш санъатини белгиловчи тур қайта тикланмоғи лозим.

НИҲОЯТ, ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

аниқланди. 1-ўринни 1-педагогика билим юрти талабалари К.Тулебердиева (III-босқич), Д.Раҳмонова (II-босқич), Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Д.Алиева, 2-ўринни Мирзо



Улуғбек туманидаги 275-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Г.Умарова, Миробод туманидаги 110-мактабнинг 10-синф ўқувчиси С.Холтўраева, ЖИДУ қошидаги гимназиянинг 11-синф ўқувчиси К.Атаулло, 3-ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 132-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ф.Ортиқов, Ҳамза туманидаги 307-мактабнинг 10-синф ўқувчиси М.Халимова, академик лицей ўқувчиси Ш.Норматовлар эгаллашди.

Олимпиаданинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Камола Тулебердиевага омад тилаймиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири

Ишлаб чиқариш корхоналарига келган амалиётчи талабалар айрим жойларда фақатгина корхона ҳудудини тозалаш-ободонлаштириш ишлари билан чегараланиб қолишмаяптимикин?

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ

у ҳаётда ўз ўрнини топаяптими?

Барчамизга маълумки, мамлакатимиз ЎМКҲТ тизимида биринчилардан бўлиб ташкил этилган касб-ҳунар коллежларининг илк битирувчилари ўтган ўқув йилининг якунида мустақил ҳаётга қадам қўйиб, айни кунда эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилишаяпти. Ўз зиммасига иқтисодиёт, хўжалик, илм-фан соҳаларини билимли, малакали кадрлар билан тезкор равишда таъминлаш эҳтиёжини тўла қондириш вазифасини олган мамлакатимиз таълим тизимидаги бу босқич бугунги кунга келиб, айтиш мумкинки, "тўла қувват билан ишга тушаяпти". Янги таълим моделини яратиш масаласи кўндаланг бўлган ўша 1997 йилдаёқ Президентимиз томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўта масъулиятли вазифа топширилган эди, яъни бу тизим нафақат республикадаги минглаб корхоналарни, завод-фабрикаларни, ишлаб чиқариш муассасаларини зарур кадрлар билан таъминлаши, балки умумий ўрта таълимнинг 9-синфини битиргач, ўқишни давом эттирмаётган ва натижада на ҳунарга, на етарли билимга эга бўлмаган қанчадан қанча ёшларимизни ўзига жалб этиши ҳамда ҳаётга мослашувида кўмак бериши лозим эди.

Мана орадан дастлабки таҳлилий хулосалар чиқаришга асос бўла оладиган даражада муддат ўтди. Ўз битирувчиларини чиқарган мазкур коллежлар айнан касб ўргатиш борасида қандай ишларни амалга оширдилар? Касб-ҳунар коллежларининг талабалари таълимида назария билан амалиёт узвий боғлиқ ҳолда олиб борилаяптими? Бу соҳада яна қандай муаммолар мавжуд? Бугунги мақоламизда ўз битирувчиларига Ўзбекистон таълим тизимидаги янги касб-ҳунар коллежларининг илк дипломларини топширган пойтахтимиздаги Тошкент радиотехника, педагогика ва авиасозлик коллежлари мисолида юқоридаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи янги мақомга эга бўлгач, бу ўқув даргоҳида сезиларли ўзгаришлар қилинди: физика, кимё, информатика фанларидан замонавий лабораториялар, чет тилларини мукаммал ўрганиш имконини берувчи лингафон хоналари, ўқув биносининг тубдан қайта таъмирланиши, янги адабиётлар билан таъминланган 14 мингга яқин китоб фондига эга бўлган кутубхона, замонавий спорт ва тренажёр заллари, Жанубий Кореядан келтирилган махсус ўлчов асбоблари ва ўқув жиҳозлари... Хуллас, радиоэлектрон аппаратларни ўрганиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича уста, радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш бўйича уста, бухгалтерия ҳисоби, молия агенти каби дастлабки йўналишлар бўйича ўрта поғонадаги кадрларни етиштириш учун барча шароитлар яратилди.

— Талабаларнинг амалиёти бўйича, — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Рустам Охунов, — бир қанча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, жумладан, "Зангори экран" ҳиссадорлик жамияти, "Фотон", "Зенит" ОАЖлари, "Релеавтоматика" ишлаб чиқариш корхонаси, "Ўзэлектроасбобсоз" бирлашмаси, Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси, турли хусусий ишлаб чиқариш фирмалари, шунингдек, Тошкент давлат техника университети, Тошкент электротехника алоқа институти каби олий ўқув юртлари билан шартномалар тузганмиз. Талабаларимиз мазкур муассасаларда амалиёт ўтаб, берган билимларимизни оқламоқдалар. Баъзи талабаларимиз эса ўзларининг дипломолди амалиётини ўтаган муассасалар томонидан ишга таклиф қилиндилар ва ҳозирги кунда муваффақиятли ишламоқдалар. Хатто "Зангори экран" хиссадорлик жамияти, Юнусобод туманлари Давлат солиқ инспекцияси сингари ташкилотлардан миннатдорчилик хатлари келди.

2001 йил коллежни тамомлаган 191 нафар талабадан деярли барчаси юқорида санаб ўтилган ташкилотларга ишга жойлашган.

Ушбу масала билан боғлиқ қандай муаммолар тўсқинлик қилаяпти, деб берган саволимизга жавобан Р.Охунов техник асбоб-ускуналарнинг камлиги, ҳозир Ўзбекистон бозорига кириб келаётган UzDeuElektronics, SamsungElektronics, LG каби дунёнинг етакчи фирмалари маҳсулотларини ўрганишга имкон берувчи кўргазмали қуроллар, макетларнинг камлиги, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари айниқса, қўшма корхоналар билан алоқалар боғлаш кераклиги ҳақида гапирди.

* * *

Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежи 2000-2001 ўқув йилида ўзининг биринчи қалдирғочларини учирма қилди. Бу ерда "Мактабгача таълим", "Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар" йўналиши бўйича 200 нафар йигит-қиз мутахассислик дипломини олишди. Ёш кадрларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят халқ таълими бошқармалари билан тузилган шартномага мувофиқ, 200 нафар битирувчидан 110 нафари Тошкент шаҳрига, 47 нафари эса Тошкент вилоятига ишга жўнатилди. Айни пайтда коллежни битирган 89 нафар мутахассис кадрлар Тошкент шаҳрининг турли туманларида ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Яна 10 нафар битирувчи Низомий номидаги ТДПУда ўқишларини давом эттирмоқда. Албатта, коллежни тугаллаган талабаларнинг барчаси ҳам фаолият кўрсатмоқда, деб бўлмайди. 200 нафар тайёр кадрлардан 10 нафарга яқинроғи ёш фарзандлари тарбияси билан машғул.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган 43 нафар талаба ҳам ўз турар жойларининг талабномалари асосида ишга юборилган. Улар мактаб, мактабгача таълим муассасаларида иш билан тўлиқ таъминланган.

Педагогика коллежида пойтахтимизнинг намунавий мактаб ва мактабгача таълим муассасалари билан тузилган амалиёт шартномаси мавжуд бўлиб, ана шу шартнома асосида амалиёт машғулотлари ўтказилиб борилади. Коллеж раҳбарияти талабаларга таълим бериш жараёнида мактабгача таълим муассасаларидан тарбияланувчиларни коллеж ҳудудига олиб келиб, улар иштирокида жонли дарслар ташкил қилишни йўлга қўйган. Бу эса, коллежни тугаллаб ишга борган кадрнинг таълим-тарбия бериш жараёнидаги мустақиллигини тўла-тўкис таъминлайди. Бироқ, коллеж ҳаётида ўзига хос муаммолар ҳам учраб туради. Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар мутахассислиги бўйича таълим олаётган йигит-қизлар олдида амалиётни қаерда ўтказиш муаммоси кўндаланг бўлиб келмоқда. Албатта, бунинг ҳам сабаблари бор. Ушбу мутахассисликни ўрганаётганлар, мактаблардаги турли хил тўгаракларда амалиёт олиб бориши керак. Афсуски, кўпгина таълим муассасаларида тўгарак ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабли, ушбу йўналишдаги амалиёт ҳамон муаммолигича қолмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мактабдан ташқари таълимга катта аҳамият берилган. Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида уларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда турли йўналишлардаги тўгарак ишларини жонлантириш зарур. Ҳа, бу нафақат коллеж маъмуриятининг, балки бугунги куннинг эҳтиёжидир.

Kollej+korxona

* * *

Пойтахтимиздаги Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи томонидан Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти ҳамда "Тошқишлоқмаш" ОТҲЖ каби йирик саноат корхоналари, қатор кичик ва ўрта бизнес тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Мазкур коллеж директорининг касбий тайёргарлик ишлари бўйича ўринбосари Дилобар Миралиеванинг таъкидлашича, 2001 йилда авиация техникасини йиғиш, металларга ишлов бериш дастгоҳлари, бухгалтерия ҳисоби, ЭҲМ оператори каби йўналишлар бўйича жами 178 нафар битирувчи катта ҳаётга йўлланма олди. Улардан 59 нафари бугунги кунда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат фаолиятини давом эттираяпти. Ана шу рақамни коллежни авиация техникасини йиғиш ва металларга ишлов бериш дастгоҳлари йўналишлари бўйича битирган 74 нафар талабаларга нисбатан кўриб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари 85 нафар битирувчи "Паррандатаъминот-тақсимот ва қурилиш" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, "CRISER QURILISH", "Арслон ва Ислом", "Алимти", "Норин", "Рамикаб", "KIVS", "Янтой", "Солиҳ ва ўғиллари", "Янтарк-Брити" каби хусусий фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда Тошкент политехника, авиасозлик коллежлари, Сирғали туман санитария-эпидемиология назорати хизмати, Ҳамза туман халқ банки, Ўзбекистон ёшлар муаммолари институти каби давлат муассасаларида ЭҲМ оператори, ҳисобчи вазифаларида ишлашяпти.

Коллеж битирувчиларидан 10 нафари олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқишларини давом эттирмоқда. 13 нафари оилавий шароити туфайли ота-оналарининг қарамоғида. 3 нафари ҳарбий хизматга чақирилган. Бошқа вилоятлардан келиб ўқиган 8 нафар битирувчи эса ўзларининг турар жойларига жўнатилган. Мана, бир неча йилдирки, коллежнинг асосий ҳамкорлари бўлмиш Чкалов номидаги авиация бирлашмаси ҳамда "Тошқишлоқмаш" жамияти билан тузилган шартномага биноан талабалар мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқдалар. Икки томонлама имзоланган ушбу шартномаларга мувофиқ корхоналар ҳар бир амалиётчи талабага тажрибали ходимлар сафидан мураббийлар тайинлаши, улар танлаган мутахассисликларига зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ишчи ўринларини ажратиши, амалиётчиларни бўлажак касбига тегишли бўлмаган бош-қа ишларга чалғитмай, бевосита ишлаб чиқариш топшириқлари, бу борадаги меъёрий ҳужжатлар ва техник хизмат кўрсатиш турлари билан таъминлаши зарур. Аммо жойларда ана шундай шартноманинг айрим бандлари бажарилишида муаммоларга дуч келинмоқда.

* * *

Биз бугун мамлакат таълим тизимининг ўрта поғонасидаги мавжуд ҳолатни пойтахтимиздаги юқорида номлари қайд этилган илм масканлари мисолида ўрганишга ҳаракат қилдик. Ва бу борада асосли ва бугунги кунда ечимини кечиктириб бўлмас қатор саволларга дуч келдик: мамлакатимиз саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежларидан ишлаб чиқариш амалиётини ўташга келаётган ёшларга йирик-йирик корхоналар мутасаддилари қандай қарашяпти? Кичик ва ўрта бизнес тузилмалари-чи? Коллеж битирувчиси олдида ишсизлик муаммоси пайдо бўлмаяптими? Ишлаб чиқариш корхоналарига келган амалиётчи талабалар айрим жойларда фақатгина корхона ҳудудини тозалаш-ободонлаштириш ишлари билан чегараланиб қолишмаяптимикин? Умуман жойларда бу борада ЎМКҲТ муассасалари раҳбарлари ўз ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини нечоғли даражада ташкил этишаяпти? Бу масалага жойлардаги махалий ҳокимликлар қандай амалий ёрдам кўрсатмоқда? Зеро, таълим тизимидаги бугунги ислоҳатлар нафақат мазкур соҳа ходимларини, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган ҳар бизимизни бепарво қолдирмаслиги керак.

— Айнан ана шу саволларга боғлиқ масалани бошқармамизнинг навбатдаги ҳайъат йиғилишида муҳокама қилишни мўлжаллаяпмиз, — деди Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси касб-ҳунар коллежлари бўлимининг бошлиғи Рўзимурат Чориев. — Ҳозир бошқарма мутахассислари илм масканларига бу борада яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида ушбу жараённи ўрганиш ва таҳлил қилиш ишлари билан машғул.

Нурлан УСМОНОВ,
Ботиржон ҒАФУРОВ,
Абдулҳамид МУХТОРОВ,
"Маърифат" мухбирлари

Mehmonxona

«УЗВИЙЛИК»НИ ЯХШИ КЎРАМАН

Болалигимизнинг маъсуд ва бахтиёр лаҳзалари ҳақида гапирмоқчи бўлсак, беихтиёр хаёлимизга мўъжизаларни тўла идрок этишимизга ёрдам берган мультфильмлар ҳам келади. Чунки ҳали дунёнинг нима эканлигини англамаган ҳолда, телевизорда гапираётган бўри, тулки, қуён каби ҳайвонларни кўриб ҳайратланганмиз. Фильмдаги ожиз ва нотавон қаҳрамонларга ачинганмиз. Айниқса, "Сенимн, шошмай тур!", "Сирли сандиқ", "Қулупнай ёмғири" каби бирбиридан қизиқарли фильмларни мириқиб томоша қилганмиз. Бугунги болалар эса "Соҳибжамол ва маҳлуқ", "Қундуз бобо қиссалари", "Шумтакалар", "Денгизчи Папай", "Том ва Жерри" каби фильмларни томоша қилиб улғайишмоқда. Нега биз мультфильмлар ҳақида гапирдик? Шунинг учунки, меҳмонимиз Светлана Муродхўжаева Ўзбекистонда яратилаётган мультфильмларнинг аксарияти режиссёри, яратувчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Светлана Муродхўжаева узоқ йиллар дубляжда меҳнат қилди. Бир қанча ўзбек бадиий фильмларида роллар ижро этди. Мингдан ортиқ фильмларга овоз берган Светлана опа иқтидорини, имкониятларини анимацион фильмлар яратишда синаб кўришга қарор қилди. Ва салмоқли ютуқлар, қувонарли натижаларга эришди. Санъаткор опа билан дубляж санъати ҳақида, ўзбек фильмлари тарихи тўғрисида ҳам узоқ суҳбатлашишимиз, у кишининг ижодий фаолиятлари ҳақида сизларга батафсил маълумотлар беришимиз мумкин. Бир саҳифа эса бунга камлик қилади. Шунинг учун биз режиссёр С.Муродхўжаева билан меҳмонимизнинг илк муаллими, ўзбек мультипликация санъати тарихи ва бугуни, ютуқлари ва муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

— Светлана опа, газетамизнинг анъанавий саволи бор. Сизга илк сабоқни берган устозингизни эслайсизми? У кишининг хотирангизда ёрқин из қолдирган фазилати ёки одати...

— Сиз менга энг яхши кунларимни эслатадиган савол бердингиз. Негадир ҳозир жуда ҳаяжонланяпман. 1949 йилда Тошкент шаҳрининг Хадра майдонида жойлашган 42-мактабнинг 1-синфига борганимда мени ҳаяжон чулғаган эди. Эҳ-е, шундан буён қанча сувлар оқиб ўтибди. Биринчи ўқитувчим фамилиялари Аминова эди.

Биринчи синф ўқувчисига нима керак? Муаллимининг эътибори, ширин сўзи, "болажоним, қизалоғим", деб эркалаши. Менинг биринчи устозимда биз истаган ҳамма хислатлар бор эди. Ўқитувчимиз озроқ қаттиққўл эдиларми ёки бизга шундай туюлармиди, доимо у кишидан мақтов эшитиш ниятида бор куч-ғайратимизни ишга солиб, ўқиб-ўрганишга қаттиқ тиришардик.

Биринчи муаллимамнинг қалби эзгуликларга тўла эди. Тўғрилик, яхшилик, дўстга садоқат ва ҳурматда бўлишни у кишидан ўрганганмиз, десам хато бўлмас. Биз у кишидан қўрқмасдик, фақат уларни хафа қилмаслик учун ҳам одобли бола бўлишга интилардик.

Мактабимни ҳанузгача эслаб юраман. Чунки унинг ўз анъаналари бор эди. Айниқса, спорт ишлари яхши йўлга қўйилганди. Эски жўва майдонида катта ўйингоҳ бўларди. Ана ўша ерда мактабларраро, туманлараро ўтадиган мусобақаларда бизнинг мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этар эдилар. Болалигимданоқ спортга қизиққанлигим учун Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Низомий номидаги педагогика университети) жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирганман. Спорт билан шуғулланганлигим учун кўп қийинчиликларни енга олдим.

— Ҳар бир киши кимгадир суяниб, кимнидир азиз тутиб яшайди. У отаонаси, энг яқин дўсти, акаси ёки синглиси бўлиши мумкин. Яна бир энг азиз инсон бўладики, у шаксшубҳасиз ҳамма жойда айтилиши керак. Бу зот — устоз. Санъатнинг машаққатли ва оғир йўлида ким Сизни қўллаб-қувватлади, ким Сизга меҳр бериб устозлик қилди?

— Юқорида айтганимдек, жисмоний тарбия факультетининг 3-босқичида таҳсил олаётганлигимда, кўричак билан оғриб қолдим. Менга шифокорлар спорт билан вақтинча шуғулланмасликни тавсия қилишди. Бироқ кўп ўтмай зерика бошладим. Чунки сокин ҳаётга ўрганмаган эдим-да. Вақтимни завқлироқ ўтказиш учун ўртоқларим қатнайдиган «Халқ драматик театрига» бордим. Борган куним улар хатти-ҳаракатини томоша қилиб ўтирмасдан, ўзим ҳам уларга қўшилдим, қиличбозлик ҳаракатларини бир дугонамга ўргата бошладим. Бу тўгаракка Анатолий Қобулов раҳбарлик қилардилар. Режиссёр Анатолий Зуҳурович "Қизим, санъаткор бўлишни хоҳламайсизми?", деб қолди. Мен "Албатта, хоҳлайман,фақат санъаткор бўлиш учун гўзал қобилият бўлиши керак деб ўйлайман. Менда шу қобилият бормикан, ундан ташқари педагогика институтида таҳсил оламан", деб айтдим. Улар «Сизни ўз курсимга олишга розиман Сизда актёрлик маҳорати бор экан», деб мени руҳлантирдилар. Хуллас, 1961 йилда Тошкент Театр ва рассомчилик интитути (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институти) талабаси ҳам бўлдим. Мультипликаторлик соҳасида менга биринчи ўзбек мультфильми яратувчиси Юрий Петров устозлик қилган.

— Мультфильмларни жуда яхши кўраман. Негадир улар менга саодатли ва бахтли болалигимга қайтиб, маъсуд яшашимга имкон яратгандек туюлаверади. Афсуски, Уолт Дисней мультфильмларининг яратилиш тарихини, улар тарғиб қилган ғояларни билганим ҳолда, ўзбек мультфильмлари тарихи ҳақида, Сиз, Нозим Тўлахўжаев каби мультипликаторлардан ташқари ўзбекона мультфильм яратувчи режиссёрлар, рассомлар тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Ўзбек мультфильм санъатига қачон асос солинган, биринчи ўзбек мультфильмини ким яратган?

— Бу нафақат сизга, балки барча ўқувчиларга ҳам қизиқ бўлиши табиий. 1964 йилда Дамир Салимов ва Юрий Петров биргаликда "6х6ида" мультфильмини яратишган. Ундан сўнг эса "Зумрад ва Қиммат" номли ўзбек халқ эртаги асосида "Сирли сандиқ" мультфильми яратилди. "Жасур чумчуқ" мультфильми эса биринчи ўзбек чизма фильми ҳисобланади. Ушбу фильмда мен бош рол қаҳрамонига овоз берганман. 1976 йилда "Ўзбекфильм" студиясининг мультфильмлар цехига режиссёр ассиенти бўлиб ишга ўтдим. 1977 йилда эса устозим Юрий Петров менга тўла ишонч билдириб "Тошбақа" фильмини ҳамкорликда яратишимизни айтди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Ва бор куч-ғайратимни ишга солиб, иқтидоримни намойиш этишга ҳаракат қилдим. Шундан сўнг Элёр Эшмуҳамедов менга "Ўйлаб топилмаган воқеа" номли фильм сценарийсини ёзиб берди. Биз уч нафар актриса киноактёрлар студиясидан мультфильмлар цехига ишга ўтгандик. Бири бу ердаги оғир меҳнатга чидолмасдан кетиб қолди, бири қўғирчоқ мультфильмлар олинадиган бўлимга ўтди. Мен эса чизма мультфильмлар бўлимида қолдим.

— Кўпгина чет эл нашрларида, киношуносларнинг мақолаларида мультфильмни "анимацион фильм" деб айтилади. Шу тўғрими?

— Аслида бу санъат анимация. Шунинг учун ҳам анимацион фильм дейишади. Собиқ шўро даврида мультфильм деб аталарди. Негадир ҳали ҳам мультфильм, деб аташмоқда. Сиз анимацион фильм деб бемалол қўллашингиз мумкин.

— Ўзбекистонда мультипликаторлар тайёрлайдиган олий даргоҳ борми?

— Йўқ. Фақат анимацион фильмлар суратга олина бошлаган вақтда, яъни 1964-70 йиллар оралиғида чизма мультфильмлар яратувчи рассомларни Москвадан таклиф қилишган. Кейин москвалик тажрибали мультипликаторлар бизларга ҳам маълум муддат бу санъатнинг сир-асрорларини ўргатишган. Мультфильм яратиш машаққатли юмуш. Бу, кишидан улкан иқтидор ва пухта билим талаб қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган мультфильм режиссёрлари, рассомларининг барчаси Москвада таҳсил олиб қайтган.

— Мультфильм ҳақида гап кетганда албатта болалар ёдга олинади. Чунки аксарият анимацион фильмлар болалар учун яратилади. Бизнинг жажжи фарзандларимизнинг тарбияси, ўсиб-улғайишида мультфильмларнинг маълум таъсири бор. Мультфильмлар қандай мақсадда яратилади?

— Аввало бир нарсани айтиб қўяй. Анимацион фильмлар фақатгина болаларга мўлжалланмайди. Уни ақлини таний бошлаган болакайдан тортиб кексайиб қолган бобо-момоларимизгача кўришлари мумкин. Мультфильмлар барчани эзгу ғоялар — яхшилик, гўзаллик, ростгўйлик, Ватан ва юртга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялайди, деб айта оламиз. Ҳар бир фильмда бир эмас, бир неча ғоялар илгари сурилади. Масалан, ўзим яратган "Узвийлик" фильми. Унда инсон туғилгандан бошлаб, то ҳаётининг сўнггигача бўлган жараён худди занжир каби ҳамма нарса бир-бирига боғлиқлиги ифодаланган.

— Юқорида америкалик машҳур мультипликатор Уолт Дисней ҳақида эслаб ўтдим. Тан олиб айтиш керак, юксак технология асосида чексиз орзу ва хаёлот маҳсули бўлиб вужудга келган Дисней фильмлари бугун бутун дунёни забт этган. Ўзбек мультфильмлари ҳам жаҳонни лол қолдирадиган даражага етадими?

— Чет эллик ҳамкасбларимиз бутун жараён компьютерларда бажариладиган студияларда ишлашади. Бизда ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган студиялар бўлиши керак. Ана ўшанда жаҳонда тан олинадиган мультфильмлар яратар эдик. Чунки элимизнинг ўзига хос анъаналари ва урф-одатлари, ҳеч кимникига ўхшамаган дунёқараши бор. Биз халқимиз томонидан эъзозланиб, асрабавайлаб келинаётган оддий инсоний туйғулар — меҳру муҳаббатни, каттага ҳурмат, кичикка иззатни фильмларимиз орқали кўрсатиб бера оламиз. Фақат ўша 60-йиллардан қолган техникалар бизга панд бераяпти, холос. Шундай бўлса ҳам фильмлар яратишдан бир нафас ҳам тўхтаганимиз йўқ. Н.Тўлахўжаев яратган «Ёғар ҳали ёқимли ёмғир» фильми халқаро фестивалда Гран-при соҳиби бўлди. Бутунжаҳон КРОК фестивалида эса мен режиссёрлик қилган «Узвийлик» фильми «Энг яхши фильм» совринини қўлга киритди.

— Айни кунларда қандай асар устида иш олиб боряпсиз.

— Узоқ ва бой тарихга эгамиз. Озод ва обод ватан орзусида яшаган аждодларимиз ҳақида фильм яратиш иштиёқида мен "Тўмарис ҳақида афсона" сценарийси асосида иш бошладим. Менга 2 та сценарий келтиришди. Лекин уларда мен истаган жиҳатлар йўқлиги сабабли, учинчи сценарийни ўзим ёздим.

—Сиз энг кўп машаққат чекиб яратган ва энг яхши кўрган анимацион фильмлар номи.

—Биринчи энг яхши кўрган фильмим номини айта қолай. Бу —"Узвийлик". Биласизми, шундай асарлар бўлади, ижодкор уни ички бир руҳ, ички бир қувват билан дунёга келтиради. "Узвийлик" фильми ҳам мана шундай "ичимдан қуйилиб келган". «Сеҳрли кийик»ни ҳам яхши кўраман. "Севги қанотлари ёки янги афсона" мультфильмини эса жуда қийинчилик билан яратганман.

—"Маърифат" муштарийларига тилакларингиз?

—Энг аввало юртимиз тинч бўлсин. Ҳеч ким уруш даҳшати нима эканлигини билмасин. Доимо осмонимиз узра тинчлик барқарор бўлсин. Бизнинг фарзандларимиз улғайиб, камолга етиб мана шу юртнинг энг содиқ фарзандлари бўлишсин. Таълим-тарбия йўлида заҳмат чекаётган барча инсонларнинг боши омон, кўнгли хотиржам бўлсин.

—Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МУРОДЖОН қизи суҳбатлашди.

Кўникма, малака, истеъдод тарбиячи-ўқитувчининг бошқа касбий сифатлари яъни кузатувчанлик, педагогик назокат, талабчанлик, ташкилотчилик билан қоришиб кетиши керак.

ТАЛАБА — ЎҚИТУВЧИ

Ҳаётдаги ҳар бир нарса-ҳодиса, аввало, назария, сўнгра амалиётни ўзида акс эттиради. Хусусан, бу ҳолат таълим тизимига ҳам хосдир. Талаба аудиторияда қанчалик кўп билим эгалламасин, уни амалиётда қўллай билмаса, у дипломли бўлса-да, ғўрлигича қолади.

Бўлғуси педагогнинг амалиёти, айниқса, алоҳида шарт-шароит талаб қилади. Мамлакатимиз таълим муассасаларига турли йўналишдаги педагог кадрларни тайёрлаб бераётган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети мисолида буни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқроқ туюлади. Мавзуни ўрганиш, чуқур таҳлил этиш, маълум хулосалар чиқариш мақсадида университетнинг ўқув ишлари бўйича ректор муовини Саидносир Файзуллаев билан суҳбатлашдик.

— Ҳали ҳеч қанча вақт бўлмади. 2001 йилнинг 27 декабридаги университет илмий кенгашида ҳам бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. Умуман университетимизда 1998 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 77-сонли қарорини бажариш мақсадида педагогик амалиётни ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу муддат ичида педагогик амалиёт мазмуни қайта ишланди, йўналишлар бўйича фанларни ўқитиш методикаси курслари мазмуни янгиланиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига мослаштирилди, таълим методлари бўйича махсус курслар ташкил этилди. Педагогик амалиёт раҳбарлари ва мето-дистлар замонавий метод ҳамда технологиялардан хабардор қилинди. Педагогик амалиёт ўтадиган таълим муассасаларини танлаш ва уларда университетнинг педагогика, психология ва бошқа фанларни ўқитиш методикалари кафедраларининг филиаллари очилмоқда. Муҳими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик амалиётни ташкил қилиш бўйича дастлабки тажрибалар шаклланди.

Педагогика университетларида етук мутахассислар тайёрлашнинг асосий бўғинларидан бири бу талабаларнинг педагогик амалиётидир. Педагогик амалиётни ташкил этиш нималарга асосланади? Биринчидан, у назарий курсларни ўрганиш билан оптимал боғлиқ бўлиши, иккинчидан, талабаларни амалиёт учун зарур бўлган педагогик кўникма ва малака асослари билан қуроллантириши, учинчидан, амалиёт даврида талабаларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ошириши керак. Бошқача қилиб айтганда, педагогик амалиёт бўлажак бакалавр даражасидаги ўқитувчини таълим-тарбия ишининг тамойиллари, кўникма ва малакалари билан таъминлаши лозим.

Ҳозирги шароитда педагогик амалиётнинг мазмуни ва уни ташкил этишнинг илмий ва методик даражасини ошириш қатъий зарурият бўлиб қолмоқда. Педагогик амалиёт даврида талабаларнинг ўқитувчиларга шунчаки тақлид қилиш ёки методистлар маслаҳатига амал қилиши эмас, балки ўзининг фанлардан олган назарий билимига таяниб, малака эгаллай олишлари муҳимдир. Педагогик амалиётни замонавий жиҳозланган ўқув муассасаларида ўташ ҳам бугунги куннинг зарур талабидир.

Бўлажак педагогик кадрларни тайёрлашда педагогик амалиётлар давлат таълим стандарти ўқув режаларига мувофиқ, 14 ҳафта қилиб белгиланган. 2001-2002 ўқув йилининг биринчи ярмида бакалавр йўналиши бўйича умумий ўрта ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида 3 сентябрдан бошлаб 14 ҳафталик педагогик амалиётлар жорий қилинди.

Талабаларнинг педагогик амалиётга ижодий ёндошишлари учун, аввало, унинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб олинган. Бунинг эса талаблари бор. Бу талаблар университет илмий жамоатчилиги томонидан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ тузилади.

Nazariya va amaliyot

Амалиёт учун ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларини ва мактабларни тўғри танлаш, бунда таълим-тарбия қай даражада йўлга қўйилганлигидан хабардорлик ҳамда юқори малакали, тажрибали ўқитувчи кадрларнинг мавжудлиги, ўқув хоналарининг қандай жиҳозланганлиги ва ҳоказолар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Ҳозирги кунда педагогик амалиёт ўтадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва шунингдек, мактаблар билан университет ўртасида олдиндан шартномалар тузилади. Факультетларда мутахассисликлар бўйича мактабларда, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида педагогик амалиёт ўташ учун мутахассисликлар бўйича ўқув дастурлари чоп этилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларини ва мактаблар ишини яхши биладиган профессор-ўқитувчилар таркиби аниқланиб, улар амалиётга педагогик, психологик ва методик томондан раҳбарликни таъминлаяптилар.

Факультет ихтисосликлари бўйича педагогик амалиётни ташкил этиш кўп йиллик педагогик стажга эга бўлган профессор-ўқитувчиларимиз зиммасига юклатилган. Сўровномалар натижаси шуни кўрсатдики, педагогик амалиётга раҳбарлик қилаётган ўқитувчи, психолог ва методистларимиз узлуксиз таълимнинг янги босқичи бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг илмий-методик ходимлари билан биргаликда ишлашлари лозим.

Педагогик амалиёт бошланиши олдидан тантанали анжуман ташкил этилади. Бунда талабаларга методика, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари юзасидан маърузалар ўқилиб, улар педагогик амалиётнинг режа ва дастурлари билан таништирилади, адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади.

Талабалар учун педагогик амалиёт якунига бағишланган анжуман барча факультетларимизда ишчан руҳда ўтказилади. Масалан, чет тиллари факультетидаги тадбирда педагогик амалиётга раҳбарлик қилган ўқитувчилар, методистлар, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида инглиз ва немис тилларида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Унда амалиёт даврида олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлардан видеолентага ёзиб олинган лавҳалар қўйиб берилди. Талабалар томонидан дарслар учун тайёрланган карточкалар, кўргазмали қуроллар ва уларнинг амалиёт бўйича шахсий ҳужжатлари ҳам намойиш этилди. Бу анжуман ишланмаси барча факультетларда фойдаланишга тавсия этилди.

Факультетларда мутахассисликлар бўйича педагогик амалиётни олиб боришни ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, бу жараёнда ўзининг маҳоратини намоён эта олган талаба келгусида ҳам ўз ўқувчилари меҳрини қозона оладиган педагогга айланади. Бизнинг вазифамиз эса ўзида фидоий, жонкуяр педагогликни шакллантирган кадрлар тайёрлашдир.

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, мактаб ва ўрта махсус ўқув муассасаларида иқтидорли талабаларни ажратиб олиш, уларни касб танлашга йўллаш ишлари мазмуни билан амалиётчи талабаларимизни таништиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Педагогик амалиёт янада мақсадга мувофиқ ва самарали бўлиши аслида бир қанча мезонларга асосланади: кўникма, малака, истеъдод тарбиячи-ўқитувчининг бошқа касбий сифатлари, яъни кузатувчанлик, педагогик назокат, талабчанлик, ташкилотчилик билан қоришиб кетиши керак.

Педагогик амалиёт янги ижтимоий давр талаблари асосида ташкил этилмас экан, у ҳеч қачон таълим муассасаларига тўлиқ мослашмайди. Афсуски, педагогик амалиётни ўтказишда замонавий воситалар ҳам етарли бўлмаяпти.

Педагогик амалиёт миллий дастурнинг иккинчи босқичида янги маъно касб этиши керак. Биз бугунги талабаларнинг маълум қисмини ана шу маънони тўлиқ англашларига шарт-шароит яратишимиз лозим.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
ёзиб олди.

Mulohaza

ТАЪЛИМДА ТАДБИРКОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларига тадбиркорлик ва бизнес ҳақида маълум бир режа асосида чуқур билимлар бериш, олган билимларини амалда тадбиқ эта билишларига замин яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

Кейинги 10 йил ичида кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ҳиссаси деярли 20 марта ошди. Ҳозир у мамлакат бўйича товар ва хизматларнинг 30 фоиздан зиёдроқ қисмини яратмоқда. Хўш, кичик бизнеснинг муаммолари ва уни ўрганишнинг таълим соҳасидаги жараёни қандай кечади? Ҳозирги кунда таълим тизимига тадбиркорликни киритиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мактаб дастурига бу мавзуни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, тадбиркорликни болаликдан бошлаш ва ўрганиш келгусида ҳар қандай шахснинг ҳаётида асқотади. Боғчадаги болалар тадбиркорликни ўйиндан бошлайди. Ўйинчоқларни бошқа нарса эвазига, масалан, конфет, китобча, шар, ручка, қалам ва ҳоказоларни тенгдошиникига алмаштириш ёки нарсасини ўйнаш учун олиб туриш тадбиркорликнинг илк қадами ҳисобланади.

Бошланғич синфларда болалар ҳар хил рангли қоғозлардан аппликациялар, пластилиндан турли ўйинчоқлар ёки шакллар ясайдилар. Бу ҳолатда ўқувчи меҳнат қилиш жараёнида тенгдошларининг ёрдамига ва уларнинг айрим нарсаларини (предметларини) ишлатиб туришга эҳтиёж сезади.

5-7-синфларда ўқувчилар барча фанлар таркибида дастлабки иқтисодий тушунчалар билан танишар экан, иқтисодий атамаларнинг моҳиятини англай бошлайди. Турмушда бу тушунчаларнинг амалдаги кўринишига дуч келади ҳамда иқтисодий билимларини кенгайтириш имкониятлари сари интилади.

Мактабда иқтисодиётни ўрганиш фан сифатида 8-9-синфларда ўқув дастурига киритилган ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида билим, кўникма ва малакаларни эгаллай бошлайди. Шу билан биргаликда юқори синф ўқувчилари фанни ўқиш натижасида олган билим ва кўникмалари асосида тадбиркорлик (ишбилармонлик), бизнес йўналишларида ташкил этилган турли тўгараклар, клублар ва саройларда ўз малакаларини ошира бориб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг иқтисодий муносабатга киришувини ўрганадилар.

Таълим тизимининг кейинги босқичлари (академиклицей ва касб-ҳунар коллежлари) да касбий йўналишлар билан биргаликда иқтисодий билимлар янада чуқурлаштирилади. Ўқувчи талабалар турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосотиғида бевосита иштирок эта бошлайди. Бу ҳол уларда келажакда тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнесменлик хусусиятларини шакллантиради.

Н.ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор
З.АСАДОВА,
РТМ ходими

МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Унда келажак камол топади. Шу боисдан ҳам илм ўчоқларига ҳар қачон эътибор ўзгача, муаллимга, устозга ҳурмат бўлакча бўлган. Бугунги кунда ҳам мазкур эъзозли анъана давом этмоқда. Бу таҳририятимизга келаётган мактубларда ҳам ўз аксини топган. Қуйида биз уларнинг бир туркумини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ДИЙДОРЛАШУВ

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 60-ўрта мактаб (ҳозирги 35-ўрта мактаб)нинг 10-синфини 1971 йилда тугатган собиқ ўқувчилар куни кеча яна мактаб остонасида учрашдилар. Ушбу учрашув кунида устозлардан ёзувчи Муҳаммадулуғ Тонготаров қатнашди ва ўзининг янги шеърларини ўқиб берди.

Биринчи дарс мактаб синфхоналаридан бирида "Мустақилликнинг 10 йиллиги, 30 йилдан сўнг дийдорлашув" мавзусида бўлди. Ўқувчиларнинг собиқ синф раҳбари Яллабой Нуриддинов мавзу юзасидан маъруза қилди. Синфдошлардан Ойдиной Пўлатова, Бувражаб Сатторовалар ҳам дарсда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Синфдошлар ва устозлар қўнғироқдан сўнг дастурхонга таклиф қилинди.

Шуниси эътиборлики, бу каби учрашувлар халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланган устоз-шогирд анъаналарининг ўзига хос бир кўриниши бўлиб, у бугунги ўсиб келаётган ёшлар онгида устозларга ҳурмат ҳиссини уйғотиши билан қадрлидир.

Б.АБДУВОҲИДОВ,
Пайариқ туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси

Кейинги пайтларда Учқўрғон туманида ўз касбининг фидойиси бўлган ижодкор ўқитувчилар билан учрашув, мулоқотлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Яқинда ана шундай ижодкор ўқитувчилардан бири, тумандаги 12-ўрта мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Ваҳобжон Маннобжонов билан ушбу мактабда тумандаги бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий мулоқоти бўлиб ўтди.

В.Маннобжонов 35 йилдан буён бошланғич синфларга дарс бериб, ёшларни комил шахс қилиб тарбиялашга умрини бағишлаган инсон. Устоз ҳозирги кунда ҳам ўқувчиларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда.

ЎҚИТУВЧИ ЎҚИТУВЧИЛАРГА САБОҚ БЕРДИ

Қатнашчилар тажрибали ўқитувчининг "Одобнома" дарсини кузатиб, керакли сабоқлар олишди. Машғулотдан сўнг эса қизиқарли мулоқот бўлиб ўтди. "Янги педагогик технология нима?", "Қайси методда кўпроқ дарс ўтасиз?", "Нима учун ўқувчиларингизнинг ҳуснихати бир хил?", "Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда кўпроқ нималарга эътибор берасиз?", "Миллий қадриятларимизни ўқувчилар онгига қандай сингдирмоқ керак?", "Муваффақиятларингизнинг сири нимада?" каби кўплаб саволларга устоз кўп йиллик бой тажрибасига асосланиб жавоб берди.

Ижодий мулоқот ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди ва бой таассурот қолдирди.

М.АҲМЕДОВА,
Учқўрғон туман ХТБ услубчиси

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Таълим тизимидаги ислоҳотлар барчадан бирдек масъулият талаб қилади. Зеро, ёшлар тарбияси ҳар қачон долзарб масала ҳисобланиб, юртнинг келгуси равнақини белгилашга қодир кучдир. Ушбу талабни теран англаган Шаҳрисабз шаҳридаги 100-ўрта мактаб маъмурияти имкон қадар ёшларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия беришга интилиб келмоқдалар.

—Вақт —шиддаткор,—дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Ш.Зайниддинов. —Шу боис замон биздан ортда қолмасликни талаб қилади. Ўғил-қизларимиз эса келажагимиз таянчи. Уларнинг дунё илм-фани, сир-синоатларини эгаллашларида, жаҳондаги ҳеч бир давлат фарзандларидан камкўстсиз вояга етишларида биз масъулмиз.

Дарҳақиқат, мактаб директори таъкидлаганидек, илм ўчоғида ўқувчиларнинг илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу мактабнинг яна бир диққатга сазовор жойи шундаки, мактабда ўқувчилар ЭҲМ фани дарсларини компьютернинг энг сўнгги авлодларидан фойдаланиб, ўтишади. Компьютерларнинг халқаро интернет тармоғига уланганлиги эса толиби илмларни дунё саҳнида бўлаётган воқеалардан хабардор этиши билан бирга уларни дунёнинг чекка давлатларида таҳсил олаётган тенгдошлари билан ҳам фикр алмашишларига имконият яратган. Бундан ташқари, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида бичув-тикув цехи, дурадгорлик устахонаси ишлаб турибди. Ижодкор ўқувчиларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўқувчиларга танитиш мақсадида мактабнинг ўз газетаси ва радио студияси ҳам ташкил этилганки, бу ёш истеъдодларни кашф этишда қўл келмоқда.

Мактабда иссиқхона ва сартарошхона фаолияти ҳам йўлга қўйилган, ундан тушган маблағлар кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фидойи ўқитувчиларни рағбатлантириш ҳамда даргоҳ моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадига йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ушбу мактабда ҳам кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу каби эзгу ишлар самараси келгусида намоён бўлади.

Сарвар ҚОСИМОВ,
ЎзМУ талабаси

МУАЛЛИМ – МЎЪТАБАР ЗОТ

Дунёда касблар хилма-хил. Ҳаммасининг ҳам гаштли ва қийин томонлари мавжуд. Айниқса ўқитувчи — мураббийлик касбини заҳматли меҳнат деб биламан.

Устозларим дарс ўтаётганларида чеҳраларидан меҳр балқиб турганини кўриб, ўйлаб қоламан. Шу нурли юз ва самимий нигоҳлари ортида нақадар машаққатли меҳнат ётибди-я. Биз эса буни сезмаймиз. Дарс учун конспект ёзиш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш, турли манбаларни излаш. Устига-устак синфдаги ҳар бир ўқувчининг характери ҳар хил. Улар билан ўзига яраша муомала қилиш, ота-она, эл-юрт ишончини оқлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган масъулият. Ўқитувчи ёшларда ҳаётга муҳаббат уйғотади, келажакка ишонтиради. Шунинг учун айтсалар керак-да, устоз отангдай улуғ, деб.

Болалик чоғларимда ҳам ўқитувчиларга меҳр билан боқардим. Уларга тақлид қилардим. Юқори синфда эса бу хислат янада мустаҳкамланди. Ҳар бир дарсга кирган ўқитувчини кузатаман. Уларга ҳавас билан боқаман. Айниқса, иқтидорли болалар мактабида дарс берадиган ўқитувчиларим муҳаббати, меҳри мени ўзига мафтун этади. Дарс мавзусини ўқувчи онгига тўла етказа оладиган ўқитувчиларим меҳнатига тасаннолар айтаман.

М.ҲАМИДОВА,
Янгиқўрғон туманидаги Заркент ихтисослашган мактаб-интернати 9-синф ўқувчиси

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ҲУНАР

Ёшликдан олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир, дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, ҳаёт саҳифалари ҳам айнан болаликдан ўрганилади. Ҳунар ўрганган инсон эса ҳеч қачон хор бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда муайян соҳаларга ихтисослашган мактаблар сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ижобий натижаларни бермоқда.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 326-мактаб ҳам халқ амалий санъатига ихтисослашган илм масканидир. Мактаб туманда энг намунали, десак муболаға бўлмайди. Илм даргоҳида ўқувчилар халқимиз амалий санъатининг бир неча турларини ўрганишлари билан бирга барча фанларни ҳам қунт билан ўқишади.

— Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган ҳунармандчилик сирлари ўқувчиларимизга яхшигина таниш, — дейди мактаб директори Т.Пўлатов. — Илм даргоҳимизда ўқувчи ўғил болалар учун нақш, дурадгорлик, ўймакорлик, тасвирий санъат, қиз болалар учун эса зардўзлик, каштачилик каби амалий санъатимиз турлари ўргатилмоқда. Эътиборлиси, бу ҳунарлар билан ўқувчи 1-синфга келганданоқ таништирилиб борилади. Тасаввур қилинг, 1-синф ўқувчи қизи қўлига игна ушлаб, кашта тикса, ёки пайпоқча тўқиса, қандай яхши.

Дарҳақиқат, мактабда бундан ташқари миллий рақс, спорт, қўшиқчилик тўгараклари ҳам мунтазам фаолиятда. Ҳозирда ўз ҳунар ва билимларини ўқувчиларга ўргатиб келаётган устозлардан З.Мўминова, М.Муҳаммедова, С.Шокирова, Н.Алолова, Г.Ортиқова, О.Комилова каби жонкуяр мураббийлар янги изланишлар олиб бормоқдалар.

Мактаб ўқувчиларига қараб ҳаваси келади кишининг. Ҳам ҳунарли бўлишади, ҳам билим олишади. 10-синф ўқувчиси Ирода Ваҳобова ўз мактаби ҳақида шундай фикр билдиради: "Мазкур мактабга келганимга икки йил бўлди. Мана шу озгина фурсатда қиз бола учун керак бўладиган барча ҳунар сирларини ўргандим. Халқимизнинг амалий санъатига бўлган қизиқишим ортди. Ҳунар ҳамиша кераклигини яна бир бор ҳис қилдим".

Бундай самимий фикрларни илм даргоҳидаги ҳар бир ўқувчидан эшитишимиз мумкин. Зеро, инсон учун керакли бўлган санъат - ҳунарни ўрганганга нима етсин!

ДИЛНОЗАБЕГИМ

ТАЪЛИМ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

Мустақилликни қўлга киритган ўзбек халқи тарихида янги давр бошланди. Тарихимиз, боболаримизнинг бой мероси ўзининг ҳақиқий ворисларига қайтди. Бироқ ушбу муқаддас туйғуни бугунги ёшларимиз қай тарзда тушуниб етмоқдалар? Уларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ўқитувчи нималарга эътибор бермоғи лозим. Бу бугуннинг долзарб мавзуси. Бунинг учун, менимча, анъанавий педагогиканинг зарур ва фойдали томонларини унутмаган ҳолда маърифатпарвар боболаримиз А.Авлоний, М.Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, А.Зоҳирий каби сиймоларнинг педагогик таълимотига суяниб, аҳлоқ-одоб меъёрларини чуқур англаган ҳолда ҳадис ҳикматларидан фойдаланиб дарс ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, ҳадисларда таълим-тарбия масалалари оддий инсоний муносабатлар тизимида берилиб, улар инсон руҳияти, маънавиятига ўта яқинлиги билан ажралиб туради. Аммо уларнинг ёшларни камол топтиришдаги жуда кенг имкониятлари ҳанузгача ўрганилмаган. Қуръони карим ва ҳадисларни ўрганиш, улардан фойдаланиш масаласига тўхталиб, илм, ҳикмат, таълим-тарбиянинг айрим муаммолари ҳақида фикр юритсак. Бундан мақсад, муаллимлар тарбия борасида фаолият кўрсатаётган кишиларга озгина бўлса ҳам кўмаклашиш ҳамда ҳадисларни мактабларда ўрганишга эътиборни жалб қилишдир.

Қуръони карим ва ҳадисларни ўрганиш ва улардан дарс жараёнида фойдаланишга, маълумки, ҳар қандай ўқитувчининг ҳам имконияти етавермайди. Назаримда, ушбу муқаддас китобларни ўрганишни осонлаштиришда ўқитувчи матндан келиб чиқиб, турли саволлар тузиб, уларга босқичма-босқич жавоблар топиб борса, ўқувчи мавзуни тез ва теран англайди. Мисол учун, дарсда ўқитувчи ўқувчиларга илмнинг хосияти ҳақида сўзламоқчи бўлса, Қуръони карим ва ҳадисларда илм, ҳикмат, таълим масалаларида билдирилган пайғамбаримиз фикрларидан фойдаланса ёки атроф-оламни ўрганиш, унда инсониятнинг ўрни мавзуси юзасидан Қуръони карим ва ҳадисларда табиатни муҳофаза қилиш муаммоси ҳақидаги ҳикматлардан келтирса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Бир сўз билан айтганда, тарбия ва таълимнинг янги усулларини қўллашда андозасизлик ва ноанъанавийлик билан ижодкорона ёндашсак, ижобий натижалар беради. Тарбияни таълим жараёнида ёнма-ён олиб бориш асосий мақсад бўлган бир даврда таълим беришни тубдан ўзгартириш зарур. Ўқувчи онгига ўзбекона урф-одатларни, миллий удумларга бўлган ҳурматни шакллантирмоқ даркор. Токи ўқувчи, энг аввало, ўзлигини англасин.

М.ҲАМИДОВА,
ўқитувчи

Мустақилликка эришганимизда армиямизда миллий офицер кадрлар 6 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 85 фоизга етди.

Ma'rifat

«Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ»

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ, ВАТАННИ!

ҲАРБИЙ ҚУДРАТИМИЗ ОШИБ БОРМОҚДА

Истиқлолга эришгач, республика Қуролли Кучлари ташкил топган дастлабки йилларда офицер кадрларимиз етишмасди, қолаверса, уларни миллий истиқлол ғоялари руҳида малакали қилиб тайёрлаш муаммоси олдимизда кўндаланг эди.

Маълумки, 1993 йилга қадар мамлакатимизда 3 та: — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари бўлган, холос. Мотоўқчи, танк ҳамда автомобиль бўлинмалари учун командирлар тайёрловчи ушбу даргоҳлар билан офицер кадрларга бўлган талабгина эмас, ҳарбий мутахассисликларга бўлган эҳтиёж ҳам қондирилмасди.

1993 йил Тошкент электротехника ва алоқа институтининг махсус факультети, 1994 йил Қуролли Кучлар академияси ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ташкил этилиши Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг дастлабки одимлари ҳисобланади. Аммо фақат ташкил этиш билан иш битмайди. Уларга юқори билим ва тажрибага эга педагогларни жалб қилиш, ривожланган хориж давлатларининг амалиётини ўрганиш, ҳарбийларни миллий истиқлол ғояси ҳамда ватанпарварлик руҳида ўқитиш ва тарбиялаш зарур эди. Таъкидлаш лозимки, бунда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Мудофаа доктринаси, Мудофаа тўғрисидаги, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар муҳим дастуриламал бўлди.

1997 йилга келиб эса ҳарбий мутахассислик турлари 43 тага етди. Шунинг баробарида факультет ва кафедралар сони орта борди. Жумладан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мустақилликкача 9 та кафедра фаолият кўрсатган бўлса, 2001 йилга келиб улар сони 11 тага, Самарқанддаги олий ҳарбий билим юртида 12 тадан 17 тага, Чирчиқдаги билим юртида 8 тадан 10 тагача кўпайди.

Хизмат юзасидан офицерликни танлаш орзусида юрган йигитларимиз билан кўп бора суҳбатлашганмиз. Бу орзулар замирида Ватанга, мустақилликка муҳаббатни ҳис қилганмиз. Ахир, уларнинг танида дунёга танилган буюк боболаримизнинг, машҳур саркардаларимизнинг қони оқмоқда. Ўзлигини англаган миллатнинг фарзандларида уйғонди. Мустақилликка эришганимизда армиямизда миллий офицер кадрлар 6 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 85 фоизга етди.

Хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, зарурият туғилса, унинг айрим қирраларини соҳага татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Германия, Франция, Россия ва бошқа ривожланган давлатлар билан йўлга қўйган ҳамкорликлари фикримиз далилидир. Масалан, 1996-2000 йилларда хизматчиларимиз Қўшма Штатларнинг ҳарбий штаб коллежи, ҳарбий ҳаво кучлари ва тил ўргатиш курсларида таҳсил олиб қайтишди.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар академияси ва билим юртларда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, жанговар ҳаракатлар тактикасининг ўзгараётгани ҳисобга олиниб, ўқув фанларига муайян ўзгартиришлар киритилиб бориляпти.

Шу ўринда истиқлол меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ҳақида бир оз тўхталсак. Билим юрти самолёт ва вертолётларнинг учувчи муҳандиси, штурман ва жанговар бошқарув офицери, самолёт ва вертолёт двигателлари бўйича техник, авиация ва радиоэлектрон жиҳозлар ҳамда авиация қуроллари бўйича техник, шахсий таркиб билан ишлаш офицери сингари ихтисосликларда мутахассислар тайёрлайди. Маълумки, 1997 йилда ушбу ўқув даргоҳидан илк қалдирғочлар парвоз қилишди. Улар қаторида Б.Мирбобоев, Ж.Мирзаев, С.Тошмуродов каби офицерлар ҳам бўлиб, бугун уларни ҳаво сарҳадларимиз шунқорлари десак, муболаға бўлмас. Ёки 2000 йилда Сурхондарёда диний экстремист ва террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган учувчи, II даражали "Шон-шараф" ордени соҳиби, катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов ҳам мазкур билим юртининг илк битирувчиси эди.

Эътибор берган бўлсангиз, мақола давомида фақат олий ҳарбий таълим борасидаги ислоҳотлардан қисқача сўз очдик. Пировардида шуни айтиш лозимки, умумтаълим мактабларидаги чақириққача ёшларни тайёрлаш фанларида ҳам катта ўзгаришлар қилинаяпти. Ёшларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейлардаги янгиланишларнинг ўзи катта бир мақолага мавзу. Хуллас, олий ҳакам — вақт барчасига ўз баҳосини бермоқда. Бу баҳо эса ислоҳотларимизнинг тўғри йўлдан бораётганини кўрсатаяпти.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ҳарбий таълим соҳасидаги ўзгариш, янгиланишлар Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Айниқса, 1993 йилдан ҳарбий ўқув муассасаларида офицер кадрлар тайёрлашнинг кўп соҳали тизимига ўтилиши бугун ўз самарасини бермоқда. Зеро, тизимдаги мутахассисликлар оша боргани сайин уни ўргатувчи устозлар ва тажрибали офицерларга эҳтиёж сезилади. Бугун эса ушбу масала миллий кадрларимиз ҳисобига ҳал этилмоқда. Яъни, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган, назарий ва амалий билимлари юксак офицерлар ўқитувчиликка жалб қилинди. Ана шундайлар қаторида майор Рустамали Ғуломов ҳам бор. Бешариқлик Рустамали ака 1991 йил Кировдаги ҳарбий авиация билим юртини тугатиб, у ҳозирга қадар она юрти ҳимоясида. У 1996 йилгача вертолётчилар қисмида хизмат қилиб, ўзининг юксак билими, тажрибаси билан жамоада обрў қозонди. Очиғи, 1996 йилда уни Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқитувчиликка таклиф қилишганда узоқ ўйлади. Бунинг сабаби "ишончни оқлармиканман?", деган андиша эди. Қолаверса, "ўқитувчиликда кўпроқ назариётчи бўлиб қоламан. Доимо жанговар машғулотларда юрган бўлсам, юрт ҳимоясига ҳарбий қисмда хизмат қилсам кўпроқ фойдам тегар", деган ўй ҳам унга тинчлик бермаётганди. Бу ҳақда мураббий бўлиб ишлаган дадасига маслаҳат солди. "Болам, билим юртида Ватан учун кўп фойданг тегар деб ҳисоблашаётган экан, боравер, тажрибангни, билимингни ёшларга ўргат. Эртага ўзинг етолмаган орзуларга шогирдларинг эришганда армонинг бўлмайди", дея оқ фотиҳа берди ота. Хуллас, офицер Ғуломов самолётлар, вертолётлар ва уларнинг двигателлари кафедрасида ўқитувчи вазифасида ишлай бошлади.

Маълумки, 1997 йил мустақиллик меваси бўлган мазкур ҳарбий ўқув муассасасида битирув кечаси ўтказилиб, биринчи лочинлар парвоз қилдилар. Бу тарихий лаҳзалардаги Рустамали аканинг ҳаяжони чексиз. Ахир, у ҳам юрт осмони сарҳадларини ҳимоя қилишга йўл олган шу алпларга устоз.

Ташкил топганига ҳеч қанча бўлмаган билим юртига келган офицер Р.Ғуломовнинг олдида турган муҳим вазифаларни тушунса бўлади. Тўғри, моддий-техник база талабга жавоб беради. Аммо кўргазмали воситалар, журналлар дегандай... Қолаверса, таълим-тарбиянинг янги усулларини татбиқ этиш, илмий тадқиқот ишларига бел боғлаш лозим. Негаки, фақат дарс бериш билан иш битмайди-да. Ҳаттоки, зарур экан, илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш керак. Ниҳоят, бу мураккаб вазиятлардан озми-кўпми интилишлари сабаб, чиқиб олди. Аммо, яна бир муаммо бор. Ҳарбий илм, унинг тактикаси бир жойда қотиб турмайди. Унга замонавий талабларни татбиқ эта бормоқ жоиз. Масалан, сўнгги пайтларда минтақамизда юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни олайлик. Маълумки, халқаро террорчилар, диний экстремистлар мустақиллигимизга, тинчлигимизга рахна солишга уринишмоқда. Уларнинг жанг қилиш тактикаси эса тоғли шароитларга асосланган. Демак, ана шуларни ҳам ҳисобга олиб ҳарбий фан мазмунига муайян ўзгартиришлар киритиш керак.

— Машғулотлар давомида тоғли шароитларда қўниш, парвоз қилиш тактикасини ҳам мукаммал ўргатаяпмиз. Зеро, бундай шароитда атмосфера босимлари ҳар хил бўлади. Бўлғуси учувчилар уни яхши англаб олишлари лозим. Сабоқларни бойитиш учун журналлар, турли адабиётлардан фойдаланамиз. Махсус тўгарагимизда эса курсантлар хориж армияси техникаларининг макетини ясашади ва уни қиёсий ўрганишади, — дейди майор Р.Ғуломов.

Ҳа, тайёргарликнинг пухта бўлиши, жангда ғалаба қозониш кафолоти саналади. Шундай экан, минтақавий вазиятдан келиб чиқиб, ҳарбий тактикани такомиллаштириш сарҳадларимиз дахлсизлиги учун хизмат қилади.

Алижон САФАРОВ,
капитан

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ БОЛАНИ ҲАҚИҚИЙ ЙИГИТГА АЙЛАНТИРАДИ

ёхуд тарбиянинг бир кўриниши

Болали уйни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Дарҳақиқат, фарзандлар авлод давомчиларидир. Айниқса, ўғил бола туғилиши отаю онани, қариндош-уруғ, барча яқин биродарларнинг қувончларини янада оширади. Зеро, ана шу ўғил эртага отасининг қанотига, оила қўрғонининг посбонига айланади. Шу учун бўлса керак, ўғил дунёга келса ота-онанинг хурсандчилиги икки ҳиссага ортади.

Шунингдек, маҳалла, юрт осойишталигини таъминлаш ҳам ўша қобил фарзанд зиммасига тушади. Бу борада ҳарбий хизмат ўғил болани ҳақиқий йигит кишига айлантиради. Ёдимда, ёшлик чоғларимизда маҳаллада машина сигналининг узоқ чалинишини эшитиб қолсак, ўйлардикки, кимдир армиядан келган. Уни ҳавас қилиб, кўргани чиққан бизларга хизматдан олиб келган турли хил эсдаликларини, ҳарбий фуражка ҳамда камарини берар эди. Биз эса унинг нарсаларини ғурурланиб кийиб юрар эдик. Бир қарашда 1,5 йиллик ҳарбий хизмат оддий кўринса-да, лекин, унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, ўзига яраша қувончлари бор. Шукур, аввалари йигитларимиз ўзга юртда хизмат қилган эсалар, бугун улар мустақил она Ватанларини ҳимоя қилишмоқда, ўз оталари, оналари, ака-укалари, опа-сингилларини ёвлар таъсиридан қўриқлашмоқда.

Собиқ совет даврида ўзбек ўғлонларининг салоҳиятига ижобий даражада қаралмагани боис, улар асосан қурилиш батальонларида хизмат қилишарди. Нари борса ҳайдовчиликка олинар эдилар. Ҳозир эса ҳарбий техникаларни, танкларни, самолёт-вертолётларни бошқармоқдалар. Халқаро ҳамкорликлар яхши йўлга қўйилиб, хориж тажрибаси ҳам ўрганилмоқда. Халқаро миқёсдаги ҳарбий машғулотларда иштирок этилмоқда.

Эндигина мактабни тамомлаган, ҳали мустақил ҳаёт тушунчасини англаб етмаган болани ҳарбий хизматга чақиришади. Кундалик ҳаётида режа асосида ҳаракат қилишга ўрганмаган ғўр бола, ҳарбий қисмда кун тартиби бўйича яшашга ўрганади. Айнан, шу ерда у, қотмаган суягини қотиради.

Одатда, ҳарбий қисмда ҳаёт ҳар куни соат 6.00 да бошланади. Бу вақтда уйқудан турган аскарлар бир соат мобайнида бадантарбия машқлари билан шуғулланадилар. Сўнгра казармани тоза ҳолатга келтиришгач, ювиниб, 8.00 да нонуштага борадилар. Шундан кейин эса 13.00 даги тушликка қадар кун тартиби бўйича хизматни ўташади. Сўнгра яна режа бўйича ишлар давом этиб, кечки овқат 19.00 да тановул этилгач, эртанги кунга тайёргарлик кўрилади. Ва ниҳоят соат 22.00 да уйқуга ётилади.

Ҳарбий хизмат инсоннинг мустақил ҳаётдаги илк қадами саналади. Турли вилоятдан келган ҳар хил характердаги болалар хизмат давомида доимо бирга бўлишади. Натижада бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатлари орта боради. Уларнинг юртга бўлган муҳаббатлари янада шаклланади. Қўмондонлар томонидан берилган топшириқ ҳамда вазифаларни бажаришда айнан атрофидагилардан сўраб ўрганади ва зиммасидаги ишни аъло даражада бажаришга ҳаракат қилади. Бунинг замирида унинг фикрлаш қобилияти орта боради.

Ёдга олсак, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларига суқилиб кирган душманларни сарҳадларимиздан улоқтириб ташлашда шаҳид кетган ўғлонлар ҳам мана шу буюк юртимиз фарзандлари эдилар. Улар ҳарбий хизматларини ўташ чоғида Ватан, оила учун жонларини бердилар. Бундай йигитларимиз билан фахрлансак арзийди. Зеро, аскари қувватли мамлакат бой бўлур, деган ҳикматомуз гап айнан шу ерда ўз исботини топган.

Камолиддин АЛИОХУНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

14-январь — Ватан ҳимоячилари куни

КИЧКИНТОЙЛАР — ЭРКАТОЙЛАР ҚЎШИҒИ

Айёмингиз қутлуғ бўлсин,
Акажонлар, дадажонлар!

Тинчлигимиз посбонлари,
Паҳлавонлар, қаҳрамонлар!

Биз кичкинтой-эркатойлар
Куч-қувватга тўлсак деймиз.

Ва албатта, Сиздай катта,
Генераллар бўлсак деймиз!

Кўксимизга шода-шода
Орден, медал тақсак деймиз!

Энг аввало омон бўлсин,
Ота-она — парвонамиз!
Омон бўлсин Йўлбошчимиз,
Яшнасин хур замонамиз!

— Бунинг учун нима керак?
— Ўйинчоқми? Қўғирчоқми?
— Музқаймоқми? Бўғирсоқми?
— Йўқ! Йўқ! Йўқ! Йўқ!
— Бизга ширин уйқу керак!
— Дўстлик керак! Тинчлик керак!
— Тинчлик керак! Тинчлик керак!

Искандар РАҲМОН

ЮРАКДА ВАТАН ҒУРУРИ

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланиб пойтахтимиздаги барча ҳарбий таълим ва спорт мактаблари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Бунда шаҳарнинг 14 та туманидан жами 120 нафар бола қатнашди.

Мусобақани бевосита кузатар эканмиз, бу ерда қатнашаётган болалар Ватан деган тушунчани аллақачон англаб етганига амин бўлдик. Шу ерда айрим иштирокчиларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтсак.

— Мен Ҳамза туманидаги 153-мактабнинг 9-"Е" синфида ўқийман, — деб сўз бошлади Азамат Усмонов. — Бу мусобақада уч йилдан бери қатнашиб келмоқдаман. Инсон ўз Ватанини, туғилиб ўсган диёри, она тупроғини ардоқлайди. Шундай экан, инсон Ватан туйғуси ва севгиси билан яшаши керак. Демак, Ватанни севиб, уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз шарт.

— Бизнинг бу мусобақада ғолиб бўлишимиз унчалик муҳим эмас. Балки Ватанни қандай севишимизни амалда кўрсатиб, мусобақада қатнашаётган болаларнинг мактабларда қандай билим олаётганини кузатсак, шунинг ўзи етарли, — дейди шу мактаб ўқувчиси Маъруф Султонмуродов.

Қизғин баҳсларга бой бўлган мусобақада 7—8-синфлар ўртасида Ҳамза туманидаги 153-мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллади. 9—10-синфлар ўртасидаги баҳсларда ҳам айнан шу мактаб жамоаси 1-ўринни банд этди.

Шу куни ғолиб жамоаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ш.АҲМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Низомий номидаги ТДПУнинг Чақириққача ҳарбий таълим факультети 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Факультетда "Чақириққача ҳарбий таълим" йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Мазкур олийгоҳни тамомлаган талабалар ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ёшларга бошланғич ҳарбий таълим асосларидан сабоқ бериб келмоқдалар, шу билан бирга кўплаб битирувчилари эса Қуролли Кучларимиз сафида хизматга чақирилиб, турли вазирликлар ва қўшин турларида хизмат қилишмоқда.

Факультетда катта ҳарбий тажрибага эга бўлган офицерлар ва юқори педагогик малакага эга профессор-ўқитувчилар меҳнат қилишади. Профессор К.Маҳкамжонов, фан номзоди, доцент Н.Малинина, захирадаги подполковниклар Б.Маҳмудов, К.Сотиболдиев ва полковниклар А.Лисенко, В.Степановлар шулар жумласидандир.

Талабалар офицерлар тайёрлаш дастури бўйича ҳарбий тайёргарликдан ўтадилар ҳамда университетни битиргач, захирадаги офицер унвонини оладилар. Ўқиш жараёнида уларга умумҳарбий низомлар, ўқ отиш ва саф тайёргарлиги, тактика каби бир қанча фанлар ўқитилади. Ўз навбатида олган билимларини амалиётда, дала майдонларида синовдан ўтказадилар. Бундан ташқари талабаларимиз 4-курсда Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тўрт ой давомида педагогик амалиётни ўтайдилар. Бу даврда улар ўзларининг уч йиллик билим ва кўникмаларини синовдан ўтказадилар. Ҳарбийларимиз малакасининг юқори савияда бўлиши, юртимиз осойишталигининг муҳим шартларидан биридир.

И.ИКРОМОВ,
факультет декани

ЧАЙНВОРД-МУАММОНОМА

1. Ҳарбий қўшинларимиздаги оддий хизматчи. 2. Бир неча взводдан ташкил топган, одатда батальон таркибига кирувчи ҳарбий бўлинма. 3. Мамлакатнинг барча қуролли кучлари мажмуи. 4. Ўзбек халқ мақолидан: Ботирнинг мушти ҳам ... 5. Жангда, курашда қўлга киритилган зафар. 6. Ўзбекистон халқ рассоми, фашизмга қарши уруш қатнашчиси, қаҳрамон. 7. Қуролнинг отишга тайёр ҳолда тутиб турувчи қисми. 8. Мамлакатнинг ҳарбий соҳага оид тизим ва тамойиллари мажмуи дастури. 9. Қурол-аслаҳа сақланадиган омбор. 10. Тўпзамбарак ўрнатилган дастгоҳ. 11. Ватанимиздаги ҳарбий ўқув юрти жойлашган шаҳар. 12. Зирҳланган, тўп ва пулемётлар билан қуролланган, оғир йўлларда ҳам ҳаракатлана олувчи гусеницали ҳарбий техника. 13. Офицерлик унвонларидан бири. 14. Айланма барабанли тўппонча. 15. Ўқ узиш учун мўлжалга олинган нарса. 16. Бирор иш, масала бўйича қонун-қоида, тартиблар мажмуи. 17. Душмандан сақланиш учун ҳозирланган чора ва воситалар жамланмаси. 18. Тантанали кун. 19. Тантана, байрамларда отиладиган ранг-баранг ёнувчи снаряд. 20. Бир неча дивизия ёки бригададан иборат ҳарбий қўшин. 21. Ватанимиз томонидан қабул қилинган ҳарбий доктринада қайд этилган, халқаро ҳужжат қабул қилинган Европадаги пойтахт шаҳар. 22. Ўқ отадиган узун стволли қўл қуроли. 23. Йирик ҳарбий қисм бошлиғи. 24. Қазилма ёқилғи. 25. Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидаги вилоят маркази. 26. Самодаги нишонларни ўққа тутишда ишлатиладиган техника. 27. Халқимизнинг ватан посбонларидан азалий куттани. 28. Самолётнинг махсус жиҳозланган хонаси.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Жисмоний ва билим даражаси камолотга эришган инсон — 16, 8, 13, 17.

2. Портловчи снаряд отиладиган қурол тури — 9, 2, 4, 5, 9, 21, 8.

3. Жаҳонда кенг фойдаланилаётган самолёт русуми — 6, 5, 2, 4, 11.

4. Патрондаги портловчи модданинг муайян миқдори — 3, 1, 15, 10, 12.

5. Ҳарбийларимиз ҳаётига оид "Сардор" фильми қаҳрамони — 3, 1, 18, 1, 15.

6. Чегара, ҳудуд сўзлари маънодоши — 7, 1, 15, 19, 1, 12.

7. Бирор нарса, воқеа-ҳодисага оид маълумот, дарак — 22, 2, 6, 2, 15.

8. Мамлакатнинг маъмурий ҳудудий бирликка эга бўлган қисми — 20, 14, 17, 1.

Энди очқич сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Улардан ҳарбийларимизга қарата айтилган ниятларимиз аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ
тузди.

Вилоятнинг бирорта шаҳар ёки тумани илғорлар қаторидан ўрин олмаган.

КЎЗГУДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Тест асосида талабаларнинг ўқишга қабули натижаларини таҳлил қилиш вилоят мактабларида таълим ва тарбия ишларини мукаммаллаштириш, ўқув юртлари қабул жараёни ва абитуриентларни ўқишга киришга тайёрлаш каби қатор муаммолар ҳақида фикр юритишни талаб этади. Фарғона вилояти таълим муассасалари раҳбарлари ва кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ушбу масалаларга бағишланди.

Вилоятда учта олий ўқув юрти ва Тошкент тиббиёт институтининг филиали мавжудлиги талабаларни ўқишга қабул қилишда катта имконият ва салоҳият борлигини кўрсатади.

2001 йилда Фарғона вилояти олий ўқув юртларига кириш учун 19319 абитуриент ариза берган. Улардан 1429 нафари ўқишга қабул қилинган.

Фарғона вилоятининг абитуриентлари тест имтиҳони топшириб 2001 йилда (33,27 самарадорлик билан) 11-ўринни эгаллаганлар. Вилоят абитуриентларининг жавоблар самарадорлиги 1999 йилда (35,57 ташкил этиб) 7-ўринга, 2000 йилда бу кўрсаткич (34,23 ташкил этиб) 9-ўринга тўғри келган. Кўриниб турибдики, вилоят тест натижаларига кўра йилдан-йилга паст натижага эга бўлмоқда.

Фарғона вилояти абитуриентларининг тест имтиҳонидаги натижалари 2000 йилдаги кўрсаткичларга таққослаб ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, ўзбек гуруҳларида тарих фанидангина ўсиш кузатилган. Математика ва француз тилидан кўрсаткич ўтган йилдаги даражада қолган. Бошқа фанлардан пасайиш содир бўлган. Ўзбек гуруҳлари ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган:

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил Самарадорлик	2000 йил Ўрин	2001 йил Самарадорлик	2001 йил Ўрин	Ўринга нисбатан
Ўзбек тили ва адабиёти	29,63	2	28,01	3	пасайган
Математика	32,58	12	32,05	12	ўзгармаган
Физика	26,93	11	25,92	13	пасайган
Биология	34,21	10	35,33	10	ўзгармаган
Кимё	33,96	5	30,96	8	пасайган
Тарих	33,08	6	31,89	4	ўсган
География	41,40	5	38,52	7	пасайган
Инглиз тили	33,46	11	32,73	12	пасайган
Немис тили	27,54	11	25,27	12	пасайган
Француз тили	1,23	6	30,10	6	ўзгармаган

Рус гуруҳларида физика, биология, кимё ва француз тили бўйича ўсиш, рус тили ва адабиёти, математика, тарих, инглиз, немис тили бўйича пасайиш содир бўлган. Тўлиқ маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил Самарадорлик	2000 йил Ўрин	2001 йил Самарадорлик	2001 йил Ўрин	Ўринга нисбатан
Рус тили ва адабиёти	39,64	9	39,45	10	пасайган
Математика	37,96	7	35,00	12	пасайган
Физика	28,14	11	27,85	9	ўсган
Биология	37,40	12	38,08	10	ўсган
Кимё	31,76	13	32,18	11	ўсган
Тарих	35,74	7	32,81	12	пасайган
Инглиз тили	44,87	9	44,48	11	пасайган
Немис тили	40,56	3	32,70	6	пасайган
Француз тили	30,20	9	38,81	4	ўсган

Бундай пасайишнинг сабаблари ўрганилиши ва тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Чунки мақсад фанлар бўйича ўсиш ёки пасайишни қайд этиш эмас, унинг сабабларини аниқлаш, тегишли чора ва тадбирларни амалга оширишдир. Вилоятда битирувчи синф ўқувчилари билан таълимий тестлар жуда кам миқдорда ўтказилган. Бу рақам 719 тани ташкил этади, холос. Давлат тест марказининг абитуриентларга мўлжалланган «Ахборотнома»сидан вилоятга 10307 та олинган. Албатта, булар юқоридаги кўрсаткичларга таъсир қилган.

Фарғона вилоятининг тест имтиҳонида энг юқори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари Республикадаги энг илғор туманларга таққосланганда шу нарса маълум бўлдики, улар 2%-15% гача паст натижа кўрсатганлар. Вилоятнинг бирорта шаҳар ёки тумани илғорлар қаторидан ўрин олмаган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари: Фан	Туман ёки шаҳар номи	Сони	Самарадорлик	Республика кўрсаткичлари: Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Бувайда тумани	1038	31,35	Бухоро вил.	Тўқимачилик тумани	284	33,26
Математика	Қўқон шаҳри	279	43,47	Самар. қанд в.	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Қўқон шаҳри	103	30,29	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
Биология	Бувайда тумани	300	41,79	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Кимё	Учкўприк тумани	143	41,49	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Фарғона шаҳри	489	36,57	Андижон вилояти	Шаҳрихон шаҳри	17	48,53
География	Олтиариқ тумани	22	44,19	Тошкент шаҳри	С.Рахимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Қўқон шаҳри	427	38,39	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13
Немис тили	Ўзбекистон тум.	151	30,35	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Тошлоқ тумани	15	40,93	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест имтиҳонида паст натижага эга бўлган туман ва шаҳарлари ўрганилганда Сўх тумани 19,7% самарадорлик билан Республикада немис тили фани бўйича энг охирги ўринни эгаллаган. Вилоятнинг тест имтиҳонлари бўйича паст кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари: Фан	Туман ёки шаҳар номи	Сони	Самарадорлик	Республика кўрсаткичлари: Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Қувасой шаҳри	314	24,71	Қорақалпоғистон Рес.	Бузатов тумани	22	21,34
Математика	Олтиариқ тумани	406	29,76	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Марғилон шаҳри	214	23,97	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Қиргули тумани	16	28,47	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани	122	27,14
Кимё	Қувасой шаҳри	46	24,76	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Охунбобоев тум.	216	28,51	Қорақалпоғистон Рес.	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Қува тумани	52	34,03	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Данғара тумани	178	29,32	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Сўх тумани	12	19,21	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Фарғона тумани	55	26,52	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Вилоят халқ таълими муассасалари иш самарадорлиги натижаси бўлган абитуриентларнинг тестга тайёргарлик сифати ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Маълум бўлдики, вилоят абитуриентлари орасида юқори балл (50% – 100%) тўплаганлар миқдори 2900 дан ортиқ. Лекин вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг асосий диққати 10500 дан ортиқ бўлган паст балл (0%-30%) тўплаган, билими ўта паст бўлган ўқувчиларга қаратилиши керак.

Абитуриентларни ўқишга киришга тайёрлашда ҳар бир туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари барча имкониятлардан фойдаланишлари керак. Бу ўқишга кириш учун ариза топширган ва ўқишга кирган ўқувчилар сони билан белгиланади. Қуйидаги жадвалда Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳар абитуриентларидан 2001 йилда грант ва шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар ҳақидаги маълумот келтирилган:

DTM tahlili

Кундузги бўлим

Код	Шаҳар ёки туман номи	Тестга қатнашганлар	Ўқишга кирганлар	Кириш фоизи
93	Қўқон шаҳри	831	225	27,08
90	Фарғона шаҳри	1591	411	25,83
75	Қиргули тумани	289	69	23,88
72	Бувайда тумани	1159	258	22,26
74	Фурқат тумани	991	183	18,47
73	Учқўрғон тумани	1112	204	18,35
61	Данғара тумани	1092	180	16,48
67	Ўзбекистон тумани	1604	244	15,21
71	Тошлоқ тумани	634	95	14,98
95	Марғилон шаҳри	899	133	14,79
63	Олтиариқ тумани	1081	158	14,62
91	Қувасой шаҳри	318	42	13,21
60	Фарғона тумани	1715	226	13,18
69	Ёзёвон тумани	582	76	13,06
65	Бешариқ тумани	1503	195	12,97
68	Бағдод тумани	1257	154	12,25
64	Қува тумани	1234	148	11,99
62	Охунбобоев тумани	996	116	11,65
66	Риштон тумани	1578	169	10,71
70	Сўх тумани	77	5	6,49
	Жами	20543	3291	16,02

Давлат тест марказида вилоят абитуриентларининг аттестатлари бўйича баллари тестда тўплаган баллари билан таққосланди. Кўпгина мактабларнинг педагогик жамоаси ўқувчилар билимини баҳолашга масъулият ва талабчанлик билан ёндошганлар. Улар ўқувчиларда билим олишга интилишлари, фанларга қизиқишини, ўқишга меҳр-муҳаббат билан қарашни шакллантира олганлар. Бундай ўқувчиларнинг аттестатига қуйилган баҳолари абитуриентнинг тестда тўплаган балларига тўлиқ мос келади. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Т.р.	Тест топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Учкўприк тумани	1	5	215,1
2.	Фарғона давлат университети	Қува тумани	11	5	211,8
3.	Фарғона политехника институти	Фарғона шаҳри	2	5	208,9
4.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Бешарик тумани	27	4,9	208,6
5.	Ўзбекистон миллий университети	Риштон тумани	14	5	205,8
6.	Фарғона политехника институти	Фарғона шаҳри	18	4,81	205,1
7.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Учкўприк тумани	18	4,9	204,3
8.	Тошкент юридик институти	Қўқон шаҳри	4	5	203,7
9.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Қува тумани	2	5	203
10.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Данғара тумани	29	4,9	202,8
11.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Бешариқ тумани	1	4,9	202,6
12.	Тошкент давлат шарқшунослик институти	Қўқон шаҳри	20	5	201,7
13.	Тошкент давлат техника университети	Қўқон шаҳри	32	5	200,1
14.	Тошкент давлат шарқшунослик институти	Қўқон шаҳри	32	5	199,7
15.	Фарғона политехника институти	Қува тумани	2	5	199,3
16.	Ўзбекистон миллий университети	Марғилон шаҳри	6	5	199,1
17.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Бувайда тумани	2	5	199
18.	Фарғона давлат университети	Фарғона тумани	11	5	198,6
19.	Андижон тиббиёт институти	Учкўприк тумани	12	5	198,5
20.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Бешарик тумани	14	5	198
21.	Фарғона политехника институти	Фарғона тумани	1	5	197,7
22.	Ўзбекистон миллий университети	Бувайда тумани	2	5	197,5
23.	Тошкент юридик институти	Фарғона шаҳри	10	4,9	197,4

Лекин шундай мактаблар ҳам борки, ўқувчилар билимини баҳолашга ўта масъулиятсизлик билан ёндошиб, билим савияси паст бўлган абитуриентларга юқори баҳо қўйишган. Бундай салбий ҳолат қуйидаги жадвалда келтирилган:

Т.р.	Тест топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент Иккинчи тиббиёт институтининг Фарғона филиали	Риштон тумани	41	4,4	21,4
2.	Ўзбекистон миллий университети	Бағдод тумани	35	4,5	24,2
3.	Қўқон давлат педагогика институти	Учкўприк тумани	1	4,6	24,2
4	Фарғона давлат университети	Бағдод тумани	19	4,9	24,5
5	Фарғона политехника институти	Олтиариқ тумани	5	4,3	24,5
6	Фарғона политехника институти	Олтиариқ тумани	4	4,8	25,1
7	Фарғона политехника институти	Фарғона тумани	49	4,9	25,2
8	Қўқон давлат педагогика институти	Бағдод тумани	35	5	25,2
9	Фарғона давлат университети	Олтиариқ тумани	35	4,7	25,2
10	Фарғона политехника институти	Марғилон шаҳри	2	4,2	25,3
11	Фарғона давлат университети	Қува тумани	60	4,4	25,3
12	Фарғона политехника институти	Ёзёвон тумани	6	4,8	25,4
13	Фарғона давлат университети	Охунбоев тум.	20	5	25,5
14	Фарғона политехника институти	Қувасой шаҳри	12	4,3	25,5
15	Қўқон давлат педагогика институти	Риштон тумани	30	4,5	25,5
16	Қўқон давлат педагогика институти	Фурқат тумани	27	4,1	26,2
17	Фарғона давлат университети	Олтиариқ тумани	27	4,6	26,3
18	Қўқон давлат педагогика институти	Фурқат тумани	14	5	26,4
19	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Марғилон шаҳри	25	5	26,4
20	Фарғона давлат университети	Риштон тумани	8	4,6	26,5
21	Қўқон давлат педагогика институти	Риштон тумани	54	4,2	26,5

Ўқувчилар билимини баҳолашда ягона талаб мезонини шакллантириш, асосий мақсадни чуқур ва асосли билим олишга қаратиш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш керак.

Аттестат баҳоси 4 ва ундан юқори бўлиб, тест синовларида 150 дан кўп балл тўплаган вилоят абитуриентларининг барча туман ва шаҳарлар бўйича тақсимланиши ўрганилди. Таҳлилларга кўра, Фарғона, Қўқон шаҳарлари ва Бувайда туманларида аттестат баҳоси кўпроқ мос келиши, аксинча Сўх, Охунбобоев, Бешариқ ва Риштон туманлари ўқувчиларининг аттестат баҳолари ошириб қўйилганлиги кузатилди.

Фарғона вилоятида таълим жараёнини мукаммаллаштиришга, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашга алоҳида эътибор бераётган мактаблар мавжуд. Уларнинг ўқувчилари тестда юқори натижаларга эришган. Масалан, Учкўприк туманидаги 12-мактабнинг 8 нафар ўқувчиси кимё фанидан, Фурқат туманидаги 16-23 -мактабларнинг 9 нафар ўқувчиси инглиз тили ва географиядан, Қўқон шаҳридаги 32-мактабнинг 13 ўқувчиси математикадан тестда юқори кўрсаткичга эришган.

Лекин Марғилон шаҳридаги 14, 27-мактабларнинг 6 нафар ўқувчиси тарих ва физикадан, Ўзбекистон туманидаги 28-мактабнинг 4 нафар ўқувчилари кимёдан, Охунбобоев туманидаги 43-мактабнинг 11 нафар ўқувчиси математика ва физикадан жуда паст кўрсаткичга эришган.

Фарғона вилоятида ўқувчиларга билим беришда, уларни ўқишга киришга тайёрлашда маълум ишлар олиб борилган. Лекин ҳал этилмаган муаммолар, фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Вилоят мактабларида таълим самарадорлигини кўтариш, таълимга янги педагогик технологияларни жорий этиш, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқувчилар касб танлашларини тўғри ташкил этиш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини ошириш, битирувчи синф ўқувчилари билан таълимий тестларни ўтказиш ва тест технологиясини ўргатиш каби долзарб муаммолар ҳал этилиши керак.

Фарғона вилоятининг халқ таълимига мутасадди бўлган барча раҳбарлари вилоятда мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланиши ва тест натижаларининг таҳлилида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишда зарур бўлган чора ва тадбирларни белгилаши керак.

М.МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори



VATAN HAQIDA SHE'R

Olloh taolo insonga ato etgan eng oliy tuyg'ulardan biri shubhasiz — muhabbatdir. Muhabbatning turlari ko'p: ota-onaga, do'st-yorga va boshqa yaqin kishilarga bo'lgan muhabbat. Lekin ular orasida bir buyuk va sharaflisi borki, bu — Vatanga, el-yurtga bo'lgan cheksiz sevgi-mehrdir.

Vatanni sevmoq imondandir, deyiladi payg'ambarimizning muborak hadislarida. Sevganda ham qat'iy, yurakdan sevish, uning nechog'lik qadrli ekanligini qalban his qilib sevish. Vatanimizni «oltin-kumush» boyliklari borligi uchun emas, aksincha, millatimizning iftixorlari bo'lmish Beruniyu Temur, Navoiyu Bobur singari asl farzandlari borligi uchun ham, tengi yo'q udumlari, qadriyatlariga ega xalqi bor ekanligi uchun ham dildan sevishimiz kerak. Xalqimiz tarixini esga olarkanman, ular boshidan sevinchli kunlardan tashqari yana qanchadan-qancha ko'rguliklar, ne-ne qiyinchiliklar o'tgani ko'z oldimga keladi. Va...

Va, zamondosh shoirimiz Usmon Azimning «Vatan haqida she'r»ini qayta-qayta o'qiyman. — Opa, esingizda-ku, deb boshlanadigan ushbu she'rni biron marta hayajonlanmasdan o'qiy olmayman. Shoir vatan haqida, uning o'tmishi haqida to'lqinlanib yozar ekan, o'quvchini biroz bo'lsa-da, o'ylashga chorlaydi. Ayniqsa, o'sha lirik qahramonning opasi va badjahl, zolim rais o'rtasida bo'lib o'tgan bir voqea...

Opa kaftida don ezib o'tirar ekan, birdaniga otning «dupur-dupur»i qulog'iga chalinadi. Dir-dir titragan opa boshini qo'llari bilan to'sib, o'tirib qoladi. Rais yetib kelib undan qo'lida nima borligini so'raydi.

Uning qo'lida bir siqimgina don borligini ko'rgan rais, urushdan yarador bo'lib qaytgan, diydasi qotib qolgan yosh yigit bu yetti yoshli qizchaning mo'ltirab turgan ko'zlariga qaraydiyu «tosh» yuragi ezilib, ko'zlaridan mehr yoshlari qalqib chiqadi. Qizcha ham beixtiyor yig'lab turgan joyida raisning bo'yniga osiladi... So'ngra raisning bug'doyzordan ot choptirib ketayotganligini shoir shunday tasvirlaydi:

Ot o'ynatib u ketdi
Bug'doyzorning qo'ynidan.
Javzo. Bir erka shamol
Bug'doyzorga urar to'sh.
Ot yelar, chavandozning
Bir yengi hilpirar — bo'sh.

Xuddi o'sha voqea necha-necha yil o'tsa hamki opaning ko'z o'ngidan sira ketmaydi:

Opa o'shandan buyon
Vatan haqida suhbat
Qo'zg'alsa kirib kelar
Ko'zingizga bir surat.
Javzo. Bir erka shamol
Bug'doyzorga urar to'sh.
Ot yelar, chavandozning
Bir yengi hilpirar — bo'sh...

Vatan tarixi, uning boshiga tushgan kulfatlar «bir yengi bo'sh chavandoz» suratida namoyon bo'ladi.

Shoir she'r oxirida yozadi:

Opa, Vatan — ulug' dard!
Opa, Vatan bog' bo'lsin!
She'rda suratin chizsam
To'rt muchasi sog' bo'lsin!

Ha, azizlar, Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. Uni asrab-avaylash, ardoqlash, uning ravnaqi yo'lida xizmat qilish, kerak bo'lsa jon fido qilish biz uchun ham qarz, ham farzdir. Buni esa biz bir lahza ham unutmasligimiz lozim. Shundagina ona O'zbekistonimiz «to'rt muchasi sog'» Vatanga aylanadi.

Elmurod MAHMARAYIM o'g'li,
Nurobod tumanidagi 15-maktabning
9-sinf o'quvchisi

TUN MANZARASI

Tog' ortiga quyosh bekindi,
Chigirtkalar boshladi qo'shiq.
Asta qushlar ovozi tindi,
Tun hukmini o'tkazdi to'liq.

Va to'ldirdi samo bag'rini,
Yorug', chaqnoq turfa yulduzlar.
Boshlagandir balki sayrini,
Mana oy ham osmonni kezar.

Shunda nogoh ko'zlarim tushdi
Va yo'qoldi xotirjam chog'lar.
Dilginamga savol tutashdi,
Oy ko'ksida bor edi dog'lar!

Balki bu ham bir mo'jizadir,
Biz bilmagan sehrli olam.
Balki g'amdan ko'ngli zadadir,
U dog'lar-chi, tuganmas alam.

Balki quyosh vasliga yetmay,
Ko'zlarida yoshlar qotgandir.
Sevgining gul fasliga yetmay,
Oy ko'ksiga dog'lar botgandir...

Tog' ortiga quyosh bekindi,
Chigirtkalar boshladi qo'shiq.
Asta qushlar ovozi tindi,
Tun hukmini o'tkazdi to'liq.

Zulfiya BOBOYEVA,
Navoiy tumanidagi 9-maktabning
10-sinf o'quvchisi

QISHLOG'IM

Soylari sharqirab oqar,
Havosi dillarga yoqar.
Go'zal qishloq uzra har tong,
Quyosh bobo kulib boqar.

Odamlari xushchaqchaq,
Ko'ngillari ochiqdir.
Do'stlar uchun hamisha
Eshiklari ochiqdir.

Maqsudali MEHMONOV,
Buvayda tumanidagi
44-maktabning 4-sinf o'quvchisi

YANGI ASRDA

Bu yilda tugaydi urushlar,
Yovlar kelolmaydi bu aziz yurtga.
Yana boshlanadi ko'p qurilishlar,
Tasannolar bo'lsin yurtboshimizga.

Bu yilda tug'ilsin navqiron yoshlar,
Yurtboshi mustaqil hayotga boshlar.
Jaranglasin bolalar tebratgan sozlar,
Onajonlar ko'zida ko'rmaylik yoshlar.

Dilnoza USMONOVA,
G'ijduvon tumanidagi
29-maktabning 4-sinf o'quvchisi

MANZARA

Yomg'ir yog'ar, sirli tomchilar,
Tomchilari yerga sanchilar.
Samo bag'ri bizdan so'kilib,
Kumush oltin bulut qamchilar.

Hosil bo'lar ajib manzara,
Quyosh chiqar qilib tantana.
Ko'rinadi rangin kamalak,
Bulut suzar xo'mrayib ana.

Laylo VOHIDOVA,
Pskent tumanidagi
1-maktabning 8-sinf o'quvchisi

KOPTOK

Rustam, Sulton va Omon,
O'ynardi koptok tepib.
Bir tepgan edi Sulton,
Oyna ketdi qars etib.
Jahldor egasi ham
Chiqib qoldi xo'mrayib.
Hamma jim, biroq Rustam,
Mendadir dedi ayb.
Hammamiz edik hayron,
Nechun do'stin yashirdi,
Qizarib ketdi Sulton,
O'z aybini tushunib.
Rustamga kelib Sulton,
Dedi: «Senga ko'p rahmat.»
Do'stingni sina har on,
Boshingga tushsa kulfat.

Mahfuza BOZOROVA,
Jizzax shahridagi 6-maktabning
9-sinf o'quvchisi

OTING O'CHSIN, «TERROR»

«Futbolning Vatani — Angliya», derlar,
Ipakni yaratgan Xitoy davlati.
Oting o'chsin, «terror», Vataning qayda,
Seni kim yaratgan, qay bir la'nati?

Odam Atodanu Momo Havodan,
Yaralgan bo'lsak biz, qondosh bo'lsak biz.
Qondoshing o'ldirsang, har jasad uchun,
Ko'ksingga tig' bilan tobut rasmin chiz.

Sen kimning bolasi, otang kim bo'lgan?
Hech bo'lmasa bordir, onangning xati.
Oting o'chsin, «terror», Vataning qayda?
Seni kim yaratgan, qay bir la'nati?

Gavhar HAMROQULOVA,
Toshkent shahridagi 18-maktabning
10-sinf o'quvchisi

HAYOT SINOVI

Qalbimda tuyg'ular kezar sarosar,
Uni kimlargadir ochmoq istayman.
Tiriklik lazzati bilan barobar,
Yashamoq azobin sezib yashayman.

Tabiat yashnaydi, yasharar olam,
Go'zallik oldida lol qolar tilim.
Qaroqlarim ichra sevinch jamuljam,
Yashamoq lazzati shu deydi dilim.

Hayot yolg'oni ham asli haqiqat,
Biz uni anglashdan cho'chib yashaymiz.
Dunyo foniyligin bilamiz, faqat,
Tan olmay, dilni shod etib yashaymiz.

O'ziga tortsa-da o'yin ham kulgu,
Kitoblar bag'riga otdim o'zimni.
Ertaklar olami chorlayapti, huv,
Men undan topaman kerak so'zimni.

Qalbimda tuyg'ular kezar sarosar...

Guli Nigor AVAZOVA,
Qarshi shahridagi viloyat
ixtisoslashgan maktab-internati
o'quvchisi

BO'LDI POYANDOZ...

Shomlari borliqni qopladi tuman,
Mag'rur Sunbulaning kelishida noz.
Shamol kuz barglarin to'kib esgan chog'
Barglar yo'llarimda bo'ldi poyandoz.

Zangori ko'kni ham qopladi bulut,
Kechasi qirovlar qo'ndi jilvasoz.
Bog'im ham shu chog'da xazon bo'libdi,
Barglar yo'llarimda bo'ldi poyandoz.

Atrofga tarqaldi xazonning isi,
Qani endi, qayda, ko'm-ko'k bahor — yoz?!
Qalbim sog'inchlarga limmo-lim shu dam,
Barglar yo'llarimda bo'ldi poyandoz.
Ertalabdan beri yomg'ir shig'alar,
Maysalar xazonga aylandilar boz.
Borliq uxlamoqda, borliq uyquda...
Barglar yo'llarimda bo'ldi poyandoz.

Kamola UBAYEVA,
Toshkent shahridagi 234-maktabning
8-sinf o'quvchisi

"Митоз", "Мейоз", "Онтогеноз", "Хромосома", "Метаморфоз" мавзуларида ёзилган шеърлар асосида 10-, 11-синфларда дарс берилганда ҳар бир мавзу ўқувчилар онгига тўлиқ сингади. Бундай шеърларни ёзишда юқори синф ўқувчиларининг ҳам иштирок этишлари, айниқса, эътиборлидир.

МЕҲНАТДАН ШУҲРАТ ТОПГАН УСТОЗ

Мурғак қалбга эзгулик уруғини қадаш, Ватани, ота-онасию элига муҳаббат туйғусини шакллантиришнинг ўзи машаққат. Бироқ, шундай инсонлар борки, улар ана шу масъулиятли меҳнатдан ҳам лаззат, бахт топа оладилар. Рустам Эргашев ҳам шундай инсонлар сирасидан. Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилиб, вояга етган Рустам Эргашев мактаб остонасини ҳатлаган дастлабки онларданоқ ўзининг тиришқоқлиги, билим олишга бўлган иштиёқи билан устозлари меҳрини қозонди. Эҳтимол, ана ўша меҳр унинг мурғак қалбида ўқитувчилик касбига ўзгача бир ҳис уйғотган, келажакда уни танлашига туртки бўлган бўлса ажабмас. Олий даргоҳни муваффақиятли битириб, у ўз қишлоғидаги 8-ўрта мактабда ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанларидан сабоқ бера бошлади. Ўтган давр мобайнида ёшларнинг илм сирларини чуқурроқ эгаллашлари йўлида қилган саъй-ҳаракатлари боис 1985 йилдан туман халқ таълими бўлимига аввал инспектор, сўнгра эса туман ХТБ мудири ўринбосари вазифасига ишга тайинлашди.

Р.Эргашев ҳозирда туманда таълим ислоҳотини олиб боришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи ўқитувчилардан. У таълим муассасалари ўқув-моддий негизини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим тизимидаги янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш каби долзарб масалаларнинг ечилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бахмал туманида Тест марказининг ташкил этилишида ҳам Р.Эргашевнинг хизматлари катта. Айни кунларда мазкур тест марказида битирувчиларнинг олий ўқув юртларига киришлари учун тест синовларига тайёрлаш, чуқурроқ билим беришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу эзгу ишлар натижасида Бахмал туманидаги ўрта мактаб битирувчи ёшларининг 211 нафари 1999 йилда олий ўқув юртларига қабул қилинган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 241 нафарни ташкил этди. Туманда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис маркази ташкил этилишида ҳам Р.Эргашев халқ таълими ходимлари ўртасида алоҳида ташкилотчилиги билан ажралиб турди.

Биз сўз билан айттанда, ўз касбини севиш, унга фидойилик билан ёндашиш ҳар ишда муваффақият гарови бўлади. Ёшлар камолоти йўлида амалга ошираётган Р.Эргашевнинг изланишлари замирида ҳам ўша, ўз касбини севиш, юрти, халқи келажагига масъуллигини сезиш туйғуси ётади, десак адашмаймиз.

Ўтган йилда нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Р.Эргашев ҳукуматимиз томонидан — "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Биз у кишининг бундан кейинги ишларига ҳам муваффақиятлар тилаймиз.

Б.ЖОВЛИЕВ

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР



Xotira

Халқимизда "Умрингдан барака топ" деган пурмаъно ҳикмат бор. Агар ўйлаб қарасак, бу гапнинг мазмуни ниҳоятда кучли эканини ҳис қиламиз. Ҳаёт кўрсатиб турибдики, одамзотнинг умри икки хил бўлади. Баракали умр ва баракасиз умр. Баракали умр шундай эканки, инсон қисқа умр кўради, аммо умри мазмунли ўтиб, халқи, юрти ундан кўп наф кўради. Зеро, инсон ҳаёти унинг элига, Ватанига қилган хизматлари билан ўлчанади. Ана шундай инсонлардан бири Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мақбараси жойлашган қадимий Хартанг, ҳозирги Хўжа Исмоил қишлоғидаги 27-ўрта мактаб директори лавозимида бир қанча вақт фаолият юритган халқ зиёлиси, марҳум Асад Туваловдир.

Асад ака Хўжа Исмоил қишлоғининг фарзанди эди. У ёшлигидан шу улуғ масканда оддий деҳқон оиласида вояга етди, тарбияланди. 1967 йилда тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, дастлаб Самарқанд педагогика билим юртида, кейинчалик Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетида таълим олди. Асад ака умрининг 31 йилини ўқитувчиликдек шарафли касбга бағишлади. Дарвоқе, шу ўринда Шарқ файласуфларидан бирининг фикрини келтиришимиз мумкин. "Дунёда уч кишининг номи ўчмайди. Биринчиси — яхши фарзанд ўстирган кишиларнинг номи, иккинчиси — яхши шогирдлар тайёрлаб, жамоатга фойдаси теккан кишиларнинг номи, учинчиси — халқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида кўприк қурган, боғу роғлар яратган, бинолар қурган кишиларнинг номларидир".

Мана шу фалсафий хислатларнинг барчаси халқ зиёлиси Асад акада мужассам эди десак, янглишмаймиз. Асад ака 18 йиллик умрини мактаб раҳбарлигига бағишлади. Янги мактаб биноси қурилишида, мактабнинг атрофини ободонлаштириш, боғ яратиш, дарахтлар экиш, мактаб биносини жиҳозлаш ишларида раҳбарлик қилди. Асосийси, республикамизнинг турли бурчакларида у киши раҳбарлик қилган педагоглар жамоасининг шогирдлари масъулиятли лавозимларда ишлаб, халқимизга, Ватанимизга ҳам моддий, ҳам маънавий манфаат келтирмоқда.

Асад ака ишда қаттиққўл, аммо хушмуомала раҳбар, оилада меҳрибон ота эди. У киши турмуш ўртоғи Асал опа билан 31 йил яшаб беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. У кишининг фарзандлари ҳам ҳозирда эл хизматида. Ҳа, Асад ака 49 йил қисқа, аммо баракали умр кўрди. У кишининг элюрт олдидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Қишлоқ халқи ўз зиёлиси Асад Туваловнинг номини яхши хотира соҳиби сифатида эслайди.

Р.ЖУЛИЕВ

ШАҲРИ КЕШГА БАХШИДА УМР

Шаҳрисабз қадимий шаҳар. Бу улуғ юртнинг нафақат бахти бекам, дориломон кунларимизда, шунингдек, узоқ кўҳна Туронда, қоларверса, жаҳонда ўзига хос ўрни, обрў-эътибори бор. Тарихий битикларда Шаҳри Кеш дея қайд этилган бу ажойиб шаҳар азал-азалдан маданият ва маърифат, илму ҳунар маркази сифатида тан олинган. У ердаги ҳар бир масжид ва мадраса, ҳар бир тарихий обиданинг ўзи сеҳрли ва сир-синоатга бой. Назаримда, уларнинг ҳар бир ғиштлари қатида буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг ўткир нигоҳлари қадалиб қолгандай...

Шаҳрисабзнинг бағри кенг, дили пок маърифат ва маънавиятга ташна, содда ва самимий халқи мазкур шаҳарни оламга машҳур қилаётган энг асосий омил, десам асло янглишмайман. Қуйида мен тилга олмоқчи бўлган қаҳрамон ҳам ана шу муқаддас юрт фарзанди. Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими мудири Омон Тўраевнинг номи бугунги кунда нафақат туман ва вилоятда, шунингдек, республикада ҳам кўпчиликка яхши таниш.

— Доноларимиз инсон умрини оқар сувга қиёслашади. Куни кеча илк бор иш бошлаб, шаҳардаги Амир Темур номидаги 1-мактабнинг ўқувчиларига инглиз тилидан дарс ўтган эдим. Бугун ўйлаб кўрсам, шунга ҳам 38 йил тўлибди, — дейди Омон ака биз билан суҳбатда. Омон Тўраевнинг ҳаёт дафтарини варақлар экансиз, у киши меҳнат фаолияти давомида турли жабҳаларда меҳнат қилган бўлса-да, уларнинг ҳар бири маълум маънода таълим-тарбия билан уйғунлашган. Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими тасарруфида 110 та мактаб, 62 та мактабгача ва яна 9 та мактабдан ташқари таълим муассасалари бор.

Тумандаги таълим соҳасининг ўзига хос томонларидан бири асосий эътиборни таълим ва тарбиянинг узвийлиги ҳамда самарадорлигига қаратилганлигидир. Халқ таълими бўлимида мактабдан ва синфдан ташқари ишлар мукаммал ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилмоқда. Ўтган ўқув йилида таълим-тарбия муассасалари орасида 43 та йўналишда кўрик-танлов, олимпиада ва спорт мусобақалари ўтказилган бўлса, бу ўқув йилида ушбу рақам яна 2 тага кўпайган. Вилоят халқ таълими бошқармасининг таҳлил натижаларига кўра, ўтган ўқув йилида Шаҳрисабз тумани иккинчи ўринни эгаллади. Ўқитувчи ва ўқувчилар вилоят ҳамда республика миқёсидаги қатор кўрик-танловларда, фаний олимпиадаларда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Шаҳрисабзлик таълим усталарининг бугунги қатор ютуқларида биз юқорида тилга олган Омон Тўраевнинг камтарона меҳнатлари бор.

Абували ОБИДДИНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ДАРСНИ ИЖОД БИЛГАН МУАЛЛИМА

Ta'lim fidoiylari

Биз таърифламоқчи бўлган ўқитувчи Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган мактабнинг олий тоифали биология фани ўқитувчиси Муқаддам Шойизоқовадир. У 1978 йили ТДПИнинг кимё-биология факультетини битириб, аввал Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 17-ўрта мактабда, сўнгра эса 1991 йилдан то шу даврга қадар тумандаги лицей-интернатда биология фанидан ўқувчиларга билим бериб келмоқда. Ўқитувчи мактабда намунали биология кабинетини ташкил этган. Ҳар бир дарсда қўшимча адабиёт ҳамда кўргазмали, техник воситалардан фойдаланиб, ўқувчиларга етарли маълумот беришга ҳаракат қилмоқда.

Шуниси эътиборлики, ўқувчиларининг ўзлари турли мавзуларга оид кўргазмали қуроллар, диаграммалар, рефератлар тайёрлаб, биология хонасини бойитиб борадилар.

Ўқитувчи турли усулларда суҳбат, семинар, викторина, конференция, синов, мунозарали, муаммоли, дидактик ўйин, умумлаштирувчи илғор педагогик технология асосида дарс беради. Унинг ҳар бир дарси қизиқарлилиги ва ўқувчиларни мустақил ишлашга ундаши, фикрлаш қобилиятини ошириши билан бошқа ўқитувчилар дарсидан ажралиб туради. Ўқитувчи мавзуларга оид шеърлар ёзиб дарс жараёнида фойдаланади. "Митоз", "Мейоз", "Онтогеноз", "Хромосома", "Метаморфоз" мавзуларида ёзилган шеърлар асосида 10-,11-синфларда дарс берилганда ҳар бир мавзу ўқувчилар онгига тўлиқ сингади. Бундай шеърларни ёзишда юқори синф ўқувчиларининг ҳам иштирок этишлари, айниқса, эътиборлидир.

У мактабда тез-тез семинар дарслари ҳам ташкил этиб туради. Уларда туманнинг ёш ўқитувчилари иштирок этишади ва ўз тажрибаларини оширадилар. Муқаддамхон туман ва вилоят педагогик ўқишларида ҳамда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам ўз маърузалари билан мунтазам иштирок этиб келади.

Изланувчан ўқитувчи, айниқса, кейинги 5 йил ичида катта муваффақиятларга эришди. Буни мактабни битирган ўқувчиларнинг 70 фоизидан ошиғи олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлаётганлигининг ўзи исботлайди. Ҳозирда ўқувчиларнинг 17 нафари ТошМИ, Тошкент педиатрия институтига ва Низомий номидаги педагогика университетининг биология факультетига кириб ўқимоқдалар.

Бундан ташқари Муқаддамхоннинг ўқувчилари туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларида биология фанидан ўтказилиб келинаётган баҳсларда иштирок этиб келаётирлар. Масалан, 1994 йилда Гулнора Мирзаева, 1998 йили Азиз Жабборовлар 3-ўринни забт этган бўлсалар, 2000 йили Дилафрўз Ражабова 1-ўринга лойиқ топилган, 2001 йили эса Алишер Эргашев фахрли ўринни эгаллади. Ҳар тўрттала ўқувчи ҳам ТошМИга имтиёзли қабул қилиндилар.

Ўз устида тинмай ишлаётган, изланаётган, ўз жамоасида ҳурмат қозонган Муқаддам Шойизоқова "Олий тоифали ўқитувчи", "Фидоий мураббий", "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" каби мукофотлар билан тақдирланган.

РТМ қошидаги биология илмий-методик кенгаши М.Шойизоқованинг иш тажрибасини оммалаштиришга қарор қилди.

Жонкуяр педагог, меҳрибон устоз, тиришқоқ жамоатчи Муқаддам Шойизоқованинг олиб бораётган ишлари ҳар бир ёш мураббий ва ўқувчиларга ибрат бўлмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,
РТМ табиий билимлар бўлимининг бош методисти
Ойдин ҲАЙДАРОВА,
Тошкент вилояти ПХҚТМОИ табиий фанлар кафедраси мудири

1896 йили Копенгагенда нур билан даволаш Финсен тиббиёт институти очилди ва унинг биринчи директори Нилс Финсеннинг ўзи бўлди.

ҚУЛАЁТГАН МИНОРА

Дунё ажойибу ғаройиботларга бой. Чор-атрофга назар ташласак, ақлимизни лол қолдирадиган ҳодисалару ғайриоддий иморатлар бисёр. Ана шу иморатлардан бири, жаҳон оммасининг диққат марказида бўлиб келган Италиянинг Пиза шаҳридаги Кампанилла, бош черковнинг қўнғироқхонасидир.

Миноранинг қурилиши 1174 йил пизалик уста Бонанно ва инсбруклик Вильгельм (Гульельмо)ларнинг раҳбарлигида бошланган. Роман услубида қурилган мазкур гўзал минора бундан эллик йил аввал қурилган черковнинг қўнғироқхонаси бўлиши керак эди. Миноранинг қурилиши ярмига етиб қолганида ернинг чўкиши натижасида бино бир томонга оғиб қолади. Қурилиш қарийб бир асрга тўхтайди. Лекин 1275 йилда архитекторлар уни тўғрилаш лойиҳасини ишлаб чиқадилар. Миноранинг учинчи ва бешинчи қаватлари олдингиларига яқин бўлган бурчак остида, тўғри вертикал ўққа яқинроқ қилиб кўтарилади ва шу тариқа оғирлик маркази кўчирилади. 1284 йилда бу лойиҳа амалга ошади ва 1350 йилда, бинонинг қурилишини битказиш мақсадида, вертикал ўқ бўйича юқориги қават ҳам кўтарилади.

Саккиз қаватлик мазкур бино оқ мармардан бўлиб, горизонтал арклар ва рангли мармарлар билан безатилган. 15 устунлик пастки қават устидан, ҳар бирида 30 та устун бўлган 6 та қават ва гўзал безакли қўнғироқхона қад кўтарган. Миноранинг узунлиги 55 метр ва диаметри 16 метрдир. 296 поғонадан иборат ички зина кузатиш майдончасига олиб чиқади. Айтишларича, Галилей тушаётан жисмнинг тезланишини ҳисоблаш мақсадида шу майдончага чиқиб пастга тошлар ташлаган. Лекин бунинг қанчалик ҳақиқатга яқинлиги номаълум.

Минора оғишининг олдини олиш мақсадида кўплаб тадбирлар кўрилган. Шундай лойиҳалардан бирига кўра 14000 тонна оғирликдаги мазкур минорани икки метр баландликка кўтариб, уни янги бетон асосга ўрнатиш керак. Бошқа лойиҳада бўлса, минорани қисмларга ажратиб мутлоқ янги пойдевор ўрнатиш даркорлиги айтилади.

Ҳозирги кунда минора вертикал ўқидан беш метрга, яъни беш даражадан кўпроққа оғган. Унинг оғиши тахминан йилига 0,6 сантиметрга кўпайиб бормоқда.

Отабек НУРИТДИНОВ тайёрлади.

Nobel mukofoti sohiblari

ҚИСҚА ВА МАЗМУНЛИ УМР

Бу дунёда шундай инсонлар яшаб ўтганки, улар ўзларининг қисқа умрлари давомида келажак авлод учун улкан илмий мерос ва кашфиётлар қолдириб кетганлар. Ана шундай инсонлардан бири даниялик тиббиётчи-физиотерапевт олим Нилс Роберт Финсен эди. У бор йўғи 43 йил умр кўрди холос, лекин бу қисқа вақт ичида инсоният саломатлиги йўлида табиий омиллардан фойдаланиш ҳамда инсон ҳаётига хуруж қиладиган оғир хасталикларнинг олдини олиш борасида яратган ихтиро ва кашфиётлари билан фан тарихида ўчмас из қолдирди.

Нилс Финсен 1860 йил 15 декабр куни Дания давлатига қарашли бўлган Фарер ороллaридаги Торехавн шаҳрида дунёга келди. Унинг ота-онаси Ганс Финсен ва Иоганна (Фроман) Финсенлар аслида исландиялик бўлишларига қарамасдан, Нилснинг болаликдан бошлаб она тилиси Дания тили бўлди. Тайёрлов мактабини ўша ерда тамомлагач, ўқишни Рейкявикда давом эттирди. Лекин унинг тана ҳаракати фаоллиги соғлигининг яхши эмаслиги туфайди етарли даражада эмас эди.

Ёшлик йиллари кўпинча шимолий қутб доирасида яқин жойлашган Исландияда ўтгани боис, у ўшандаёқ қуёшнинг инсон саломатлигидаги тутган ўрни қанчалик муҳим эканлигини тушуниб етди. Чунки у қанчалик қўёшда кўпроқ турса, шунчалик ўзини яхши тутар эди. Шундай қилиб ёш Нилс қуёш нурларининг барча тирик жонзотлар яшаши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигига амин бўлди.

«Ҳаво айниб турган куни булутлар орасидан ялт этиб қуёш пайдо бўлганда атроф-табиатдаги ўзгаришларни бир кўрсангиз эди, - деб ёзган эди буюк олим кейинчалик ўз асарларидан бирида. - Ухлаб ётган қурт-қумурсқалар уйғонадилар, ҳаракатга тушадилар, калтакесак ва илонлар ўзларини қуёшга тоблаш учун ўрмалаб чиқадилар: қушларнинг таниш сайраши эшитилади. Хатто ўзимиз ҳам елкамиздан оғир юкни ағдариб ташлагандай сезамиз.»

1882 йили Копенгаген университетига ўқишга кирган Финсен тиббиёт соҳасида яратилган Луи Пастер ва Роберт Кохларнинг касалликларнинг бактериал назариясидан илҳомланиб, ўз илмий тадқиқотларини бошлаб юборди.

Шу йиллари унинг соғлигида салбий ўзгаришлар юз бера бошлади. Касаллик белгиларига қараб, врачлар бир оз нотўғри хулоса чиқардилар. Юрак хасталиги деб ҳисобланган олим танасидаги касаллик аслида жигарцеррози бўлиб чиқди. Соғлигининг ёмонлашганига қарамасдан Н. Финсен 1891 йили университетдаги ўқишини муваффақиятли тамомлади ва хирургия кафедрасида ўз ишларини давом эттирди. Шу йиллари у ёруғликнинг инсон танасига кўрсатадиган таъсирини чуқурроқ ўрганишга астойдил киришди. Унгача ўтказилган тадқиқотлардан маълум эдики, ёруғлик баъзи бир бактериялар тўпламининг ўсишини тўхтатади ва хатто уларни бутунлай йўқ қилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари 1889 йили ультрабинафша нурларнинг биологик тўқималарга таъсири инфрақизил нурларга қараганда кучлироқ эканлиги маълум бўлди.

Нилс Финсен ўз илмий-тадқиқотлари давомида бир қатор қурт-қумурсқа ва ҳашоратлар устида тажрибалар ўтказди ҳамда ёруғлик таъсирида тирик тўқималарда терапевтик эффектлар юз беришини аниқлади.

Аввалига у қизил нур ёрдамида чечак касаллигининг асоратларини бартараф қилиш соҳасидаги ишларни йўлга қўя бошлади. Қуёш нурини қизил ёруғлик филтри орқали ўтказилгандан сўнг бу нурлар турли тери яраларининг тез битиб, яхши даво топиб кетишига омил бўлишини кўрсатиб берди ва уни муваффақиятли қўллади. Шундан сўнг Нилс Финсен университет хирургия кафедрасидан кетиб, ўз билим ва имкониятларини батамом тиббиётнинг ёруғлик билан даволаш соҳаларига бағишлашга қарор қилди. 1893-1894 йиллари чоп этилган мақола ва рисолалар тиббиётдаги бу янги йўналишни бутун жаҳонга танитди. Ўз илмий йўналишларининг имконияти ва қамровини янада кенгайтира борган Н.Финсен бу ишларда сунъий ёруғлик манбааларидан ҳам фойдаланишни йўлга қўйди.

Бундан ташқари Н.Финсен ушбу сунъий ёруғлик манбаалари ёрдамида тери касалликлари терапиясига бўйсунмайдиган ва сил микробактериялари юзага келтирадиган тери сили (қизил югирак) касаллигини даволаш муаммоси билан шуғулланди.

1895 йили у «Копенгаген-электрик лайт уоркс» фирмаси билан улар яратган ускуналардан фойдаланиш бўйича шартнома тузади ва кўмир ёйли лампалар ёрдамида тери сили касалига чалинган беморларни даволай бошлайди. Даволаш давомида лампадан 25 А доимий ток ўтказилиб, икки соат давомида бемор терисига сунъий ультрабинафша нур таъсир қилина бошлагач, бир ойдан сўнг терининг касалланган қисми қисқариб соғая бошлади.

Шу тариқа 1896 йили Копенгагенда нур билан даволаш Финсен тиббиёт институти очилди ва унинг биринчи директори Нилс Финсеннинг ўзи бўлди. Бу институтда кетма-кет ҳар хил касалликларни даволашга мўлжалланган турли усуллар яратилди. Институт ташкил этилгандан кейинги ўтган 5 йил ичида 800дан ортиқ тери сили билан оғриган беморлар даволашдан ўтказилди; шулардан 50 фоизи бутунлай даво топди, 45 фоизида эса қисман ва сезиларли даволандилар. Инсон саломатлиги йўлидаги буюк хизматлари учун Нилс Финсен 1903 йили тиббиёт ва физиология соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди. Афсуски, оғир касаллик туфайли Н.Финсен мукофот топшириш маросимлари ва Нобел маърузаларида қатнаша олмади. У ўз соғлигини тиклаш учун жуда астойдил ҳаракат қилди. Қуёш нуридан фойдаланиб даволаниш учун ўз уйининг чердагида «қуёш ванна»си ҳам қурдирди. Ўша йили Данияда ёз жуда серқуёш келди, лекин ёш олимнинг соғлиғини яхшилаш учун бу ҳам етарли бўлмади.

Иқтидорли тиббиётчи олим Н.Финсен 1904 йили 24 сентябр куни айни навқирон ёшида ўз хотини қўлида жигар циррози касаллигидан вафот этди.

Н.Финсен 1892 йили Ингеборг Балслевга уйланди ва уларнинг оиласида тўрт фарзанд туғилди.

Ўзининг қисқа, аммо сермазмун умри давомида Н.Финсен Нобел мукофотидан ташқари яна бир қатор бошқа мукофотлар билан ҳам тақдирланган. 1899 йили у Даннеброг ордени соҳиби бўлди, 1904 йили Камерон мукофотига сазовор бўлди. У Дания, Исландия, Олмония, Россия ва бошқа бир қатор етакчи давлатлар илмий жамиятлари аъзоси эди.

РАСМИЙ МОСКВАНИНГ ТАЛАБИ

Куни кеча президент Буш маъмурияти ядро қуроллари қисқартирилиши, лекин, улар йўқ қилиб юборилмасдан, балки сақлаб қўйилишини айтган эди. Мазкур билдирувга нисбатан Россия ташқи ишлар вазирлиги ўз жавобини маълум қилди. Унга кўра, расмий Вашингтон келишувга мувофиқ қисқартирилган ядро каллакларини йўқ қилиши зарур. Аксинча бундай ҳол Вашингтон ҳамда Москванинг терроризмга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликларига тўғри келмайди. Қўшма Штатлар эса ўз ядро қуролларини йўқ қилмасдан, балки, оғир кунларига асраб қўймоқчи.

АСИРЛАРНИНГ БИРИНЧИ ГУРУҲИ ОЛИБ КЕТИЛДИ

Қандаҳор аэропортидан "С-17" русумли самолётга чиқарилган асирлар Американинг Туркиядаги ҳарбий базасига олиб келинди. У ердан эса "Ал-Қоида" ташкилоти ва "Толибон" ҳаракатининг 20 нафар аъзолари махсус жиҳозланган "С-141" транспорт самолётида Кубадаги ҳибсхонага олиб борилади. Ҳаммаси бўлиб Кубадаги Қўшма Штатлар базасига 300-400 атрофидаги асирлар олиб борилади. Ҳозирда уларнинг аксарияти Қандаҳорда сақланмоқдалар. Маҳбусларни самолётга чиқариш вақтида эса афғон аэропортида ярим соатлик отишма юз берди. Лекин, америка ҳарбийларининг жавоб ҳаракатлари туфайли хавф бартараф этилган. Аммо, улар ким эканликлари ҳозирча номаълум.

ҲУКУМАТ БИЛАН АЛОҚАЛАР ТЎХТАТИЛАДИ

"Ислом жиҳоди" ҳаракати вакилининг билдиришича, улар бироз аввал исроилликларга қарши ҳужум уюштиришни тўхтатиш борасида берган ваъдаларидан қайтганлар. Ушбу қуролли гуруҳ раҳбариятининг маълум қилишича, эндиликда улар тинчликка эришиш борасида Фаластин мухторияти билан ҳамкорлик қилишни тўхтатадилар.

Исроил бош вазири Ариэл Шарон эса Фаластин ҳукумати билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилганлигини маълум қилди. Фақат хавфсизлик борасидаги алоқалар бундан мустасно. Унинг фикрича, бу қарор қачонки ўтган ҳафта Қизил денгизда Исроил хавфсизлик кучлари томонидан қўлга олинган кемадаги ноқонуний қурол-аслаҳалар ҳибсга олинмагунларига қадар ўз кучида қолади.

БУШ: ЭРОН ҲИССАСИНИ ҚЎШИШИ КЕРАК

АҚШ президенти Жорж Буш Афғонистондан Эронга ўтган "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоларини расмий Вашингтон Теҳрондан берилишини кутаётганлигини айтди. Эрон терроризмга қарши курашишда ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Шунингдек, биз Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш мақсадида Теҳрон билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, деди Буш.

Ўз навбатида Эрон ташқи ишлар вазирлиги "Ал-Қоида" аъзоларининг яширинганлиги ҳақидаги маълумотни рад этиб, чегара мустаҳкам эканлигини билдирган.

БРИТАНИЯ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАДИ

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Афғонистондаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида киритила бошланган 5000 кишилик халқаро кучларга Буюк Британия давлати раҳбарлик қилади. Австрия, Бельгия, Болгария, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Италия, Голландия, Янги Зелландия, Норвегия, Португалия, Руминия, Испания, Швеция ҳамда Туркия давлатлари аскарларидан тузилган контингентнинг 1800 нафарини Британия ҳарбийлари ташкил этиши мумкин. Лекин, уларнинг афғон тупроғида қанча муддат туришлари ҳозирча маълум эмас.

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

ДУШАНБА, 14

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЎзТВ I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 14 январь куни «Ўзбекистон 1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож».
15.25 «Бир зумда».
15.35 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж ва концерт.
16.35 «Ягона оилада».
17.05 «Тўртинчи ҳокимият».
17.25 «Президент арчаси вилоятларда».
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 «Қалқон».
18.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мош табиб».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мардлар қўриқлайди Ватанни».
21.35 «Сардор». Бадиий фильм. 5-қисм.
22.20 «Спорт, спорт, спорт».
22.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 58 -қисм.
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15 «Янги йил базми». 3-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», «Келинг танишайлик».
10.35 «Якшанбада кўришгунча».
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Ёшлар овози».
11.50 «Мардлар мактаби»
12.20 «Давр-news».
12.40 «Остона». 3-қисм.
13.35 Аскар қўшиқлари.
14.05 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
14.35 «Алпомиш». Мультфильм.
14.55 «Жараён».
15.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.10 «Юрт посбони». Мусиқий дастур.
16.25 Спорт ҳафтаномаси.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
17.15 «Бойсун»
17.35 «Юрт қалқонлари». 1-қисм.
18.05 «Муқаддас бурч».
18.25 «Юрт қалқонлари». 2-қисм.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр».
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Ёшлар овози».
19.55 «Марду майдон».
20.20 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.30 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
21.30 «Парвоз». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр».
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр».

ЎзТВ III «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Бувимни қайтаринг!»
18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино».
19.30, 21.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довюраклар».
21.20 «Мирзо Улуғбек». Телефильм.
22.05 «Шифокор маслаҳати».
22.55 «Хоним ва қароқчи».

ЎзТВ IV «Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
17.05 «Вести».
17.30 «Каменская». Сериал.
18.20 «Бугун оламда».
РЖТ 18.30 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».

ЎзТВ IV
21.40 «Қалб қанотлари».
22.20 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.40 Француз киноси кунлари: «Тати Даниель».
00.10 «Ахборот» (рус тилида)

СЕШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Қалқон».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Истиқлол рамзи».
9.25 «Қалб гавҳари».
9.45 «Шумтакалар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 Биржа ва банк хабарлари.
10.40 «Финист - сарлочин». Бадиий фильм.
12.05 «Рангин дунё».
12.25 «Бешбармоқ». Журнал.
12.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 58-қисм.
13.15 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.
13.35 «Нафосат гулшани».
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.25 «Кино оламида».
14.55 «Спорт, спорт, спорт».
15.05 «Янги йил қувончлари».
15.35 **Кундузги сеанс:** «Кўпик». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Санъат ғунчалари».
18.30 «Баркамол авлод орзуси».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Умумхалқ референдуми олдидан. «Сиёсат оламида».
21.25 **2002 йил - қариялларни қадрлаш йили.** «Париси бор уй».
22.00 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Ахборот - дайжест».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мульттомоша».
9.45 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
10.00 «Бизнес-академия».
10.15 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий фильм.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 «Қулупнайнинг туғилган куни». Мультфильм.
11.30 Интерфутбол.
13.00 «Остона». 4-қисм.
13.55 «Муқаддас бурч».
14.15 «Қандай ажиб бу дунё». Бадиий фильм.
15.55 «Автосалтанат».
16.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
17.20 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 1-қисм.
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр».
19.30 Иқтисод-news.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 «Ёшлик наволари».
20.10 «Сифат белгиси».
20.15 «Ёшлар овози».
20.40 «Чарли шампани». 1-қисм.
21.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр».
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр».

ЎзТВ III «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 1-қисм.
18.25 «Том ва Жерри». Мультфильм.
